



“Солиҳбек додхоҳ – миллат қахрамони” китобининг “Қалъадорлик ва сургун” фаслида шаҳар мудофаасини ташкил этишда Солиҳбек додхоҳ бошлиқ аҳолининг барча қатламлари сафарбар қилингани, юзлаб ҳарбий иншоотлар қурилгани, шунингдек, ҳар бир даҳа кишиларининг вазифаси аниқ белгиланганлиги хусусида сўз боради...”



(4-саҳифада ўқинг).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Сиз, азизлар билан асрлар давомида Шарқ ва Ғарб ўртасида мустақкам кўприк бўлиб келаётган гўзал Будапешт шаҳрида учрашиб турганимиздан беҳад мамнунман.

Бугунги йиғилишимизга юксак даражада мезбонлик қилаётган ҳурматли Венгрия Бош вазири Виктор Орбан Жаноби Олийлари шаънига айтилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Ташкилотимизда муваффақиятли раислик қилаётган ҳурматли Қирғиз Республикаси Президенти Садир Нурғожоевич Жапаров Жаноби Олийларига янги ютуқлар тилайман.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Бугунги саммитимиз шиддат билан ўзгараётган глобал вазият ва олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб жараёнлар шароитида ўтмоқда. Геоисёсий ва геоиқтисодий зиддиятлар, минтақавий низолаш ва иқлим ўзгариши оқибатларининг кучайиши барчамиз учун катта синов бўлмоқда.

Шу сабабли долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимизнинг умумий ёндашув ва позицияларини кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Таъкидлаш лозимки, биз энг оғриқли муаммоларга халқаро ҳуқуқ меъёрлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми асосида ечим топиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Украина атрофидаги вазиятни дипломатия ва музокара билан йўли билан ҳал этишга қаратилган амалий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз. Ҳурматли Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларининг бу борадаги муносиб ҳиссасини алоҳида эътироф этмоқчимиз.

Ҳозода сулҳ битимининг бузилиши ва ҳарбий ҳаракатларнинг қайтадан бошланиши барчамизни чуқур ташвишга

солмоқда. Токи “Икки халқ учун – икки давлат” тамойили рўёбга чиқмас экан, Фаластин – Исроил низосининг адолатли ечимини топиш мумкин эмас.

Глобал ва минтақавий хавфсизлик ҳақида сўз юритар эканмиз, Афғонистондаги мураккаб вазиятни инобатга олишимиз ва унга биргаликда ечим топишимиз лозим. Афғонистон бўйича қўшма баёнот қабул қилинаётгани тузилмаимизнинг бу масалага жиддий эътибор қаратиб келаётганидан далолат беради.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Биз қисқа вақт мобайнида Туркий давлатлар ташкилоти доирасида амалий ҳамкорлик бўйича самарали натижаларга эришмоқдамиз. Яқинда иқтисодий таҳлил марказларимизнинг Тошкентда бўлиб ўтган анжуманида алоқаларимизни кенгайтириш учун улкан салоҳият борлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Кун тартибидан келиб чиқиб, ўз тақлифларимни билдирмоқчиман.

Хабарингиз бор, ўтган йили Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ҳамда қардошлиқ тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш тақлифини илгари сурган эдик.

Бугунги кунда ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, мазкур битим халқларимизни янада яқинлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорлигимизнинг узок муддатли ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу ҳужжатни Боку саммитида имзолашни тақлиф қиламан.

Олдимизда аниқ вазифа турибди – яқин йилларда ўзаро савдо улушини кескин кўпайтириш лозим. Шу мақсадда “Турк-трейд” онлайн платформасини яратиш ва Савдони ошириш амалий дастурини қабул қилиш ташаббусларини илгари сурамиз.

Транскаспий халқаро йўлаги орқали юк ташиш ҳажмини ошириш ва божхона-чегара тартибларини соддаштириш учун “ягона дарча” ҳамда “яшил коридорлар” тизимларини тезроқ йўлга қўйишга чақираман. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида ноябрь ойида Тошкентда Туркий давлатларнинг Халқаро мультимодал транспорт ва логистика форумини ўтказишни режалаштирганмиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Туркий инвестиция жамғармасининг фаолияти сармоялар оқимининг фаоллашувида туртки бериши шубҳасиз. Биз инновацион лойиҳаларни рағбатлантириш учун Қўшма венчур компаниясини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу борада мамлакатларимизнинг инвестиция имкониятларини тўлиқ акс эттирган “Ягона инвестиция портали”ни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Яна бир масала. Саноат кооперацияси соҳасида амалий ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш вақти келди. Бу борада кимё, энергетика, тоғ-кон, енгил саноат, фармацевтика, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва қурилиш соҳаларида салмоқли ишлаб чиқариш қувватларини яратиш бўйича Саноат кооперацияси дастурини ишлаб чиқишни тақлиф этаман.

Яқинда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Халқаро иқлим форумида “Яшил” тараққиёт соҳасидаги минтақавий ва глобал ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўйича муҳим тақлифлар билдирилди.

Ҳурматли Виктор Орбан Жаноби Олийларининг ташаббуси билан Будапештда Ташкилотимизнинг Қўроқчиликнинг олдини олиш институти ўз ишини бошлаганини ҳам мамнуният билан эътироф этамиз.

(Давоми 2-саҳифада).

АЗАЛИЙ ВА АДАБИЙ ДЎСТЛИК



ҲЕРМАН ВАМБЕРИ ва ИККИ ЎЗБЕК ШОИРИ

Дунёга машҳур моҳир сайёҳи Ҳерман Вамбери ўз асарларида Туркистоннинг тарихи, географик муҳити, маданияти, санъати, тили ва адабиёти тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Бевосита ўзи танишиб суҳбатлашган айрим тарихий шахс ва адибларни эслаб ўтади. Бироқ Ҳерман Вамберининг Марказий Осиё халқлари маданияти ва адабиёти, ўзбек адиблари ижодига оид қарашлари бугунга қадар адабиётшунослиқда тугал тасаввур берадиган ҳолда атрофлича ўрганилгани йўқ. Ҳолбуки, олимнинг “туркийзабон халқларнинг машҳур ва етакчи шоири” Алишер Навоий, “Бобурнома”дек бетакрор мемуар эгаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва “Шайбонийнома” соҳиби Муҳаммад Солиҳ каби адабий сиймолар тўғрисидаги жиддий фикрлари, халқ оғзаки ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти бўйича таржималари, “Чигатой тили сабоқлари китоби таркибда алоҳида “хрестоматия”си ва махсус луғати бор.

Диққатга лойиқ яна бир томони шуки, 1892 йили Венада нашр қилинган “Яқин Шарқ хабарномаси” журналининг 6-сонида Ҳерман Вамберининг ўзбек адиблари ҳақида “Марказий Осиёнинг икки замонавий шоири – Мунис ва Амирий” номли мақоласи босилади. Олим икки шоирни тавсифлашдан олдин Алишер Навоийни туркий тилда ижод этган энг истеъдодли адиб сифатида тилга олади, унинг замонасидаги адабий муҳитга тўхталади. Навоийнинг таъсирида бўлган форсий ва

туркийгўй шоирларга Ҳилолий билан Аҳлийларни мисол қилиб келтиради. Аслида “поэтик қобилият эгалари, санъат ва илм-фан муҳиблари Ҳиротдаги теурийлар саройида кўп” бўлганини Вамбери яхши билган. Шу масалада “Бобурнома”дан қуйидаги машҳур латифани келтиради: “...Бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатур. Биноий (орқаси)га тега. Алишербек мутуйиба била дерки, “ажаб балоест дар Ҳирий агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад” (Таржимаси: “Ажаб бир балодирки, Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоирнинг орқасига тегади”). Биноий дерким, “агар жамъ мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад” (Таржимаси: “Йиғсанг ҳам, шоирнинг орқасига тегади”). Асос-негизи ҳақиқатга яқин ушбу ҳазилни Бобур мемуарининг 226-саҳифасидан олади. Бу далил “Бобурнома”дан бир нусха Вамбери кўлида борлигини ҳам билдиради.

Ҳерман Вамбери Алишер Навоийдан кейинги адабий ҳаётни таҳлил этиб, форсийзабон шоирлар Абдурахмон Жомийдан таъсирланганига, Муҳаммад Солиҳ эса “Шайбонийнома”ни туркий тилда ёзганига урғу беради. Вамбери: “Бизга Навоий ва Муҳаммад Солиҳнинг вафотидан бошлаб то янги давргача кенг қамровли ва жуда муҳим аҳамият касб этган ҳеч қанақа чигатойча (ўзбекча) адабий асар маълум эмас”, деб ёзади...

Машҳур сайёҳ Вамбери XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги муҳитни туркий адабиётнинг “янги даври”, қайта кўтарилиш замони, деб ҳисоблайди.

(Давоми 7-саҳифада).

ТУРИЗМ

ТАРИХ ЧАРХПАЛАГИДА БИР БУТУН МАКОН



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Арда Хива” халқаро туризм марказининг очилиш маросимида сўзлаган тантанали нутқида таъкидланганидек: “Амударёнинг икки соҳилида жойлашган Хоразм ва Қорақалпоғистон элини Худойи таолонинг ўзи тақдирдош қилиб яратган. Бу икки қўшни худуднинг тарихи, маданияти ва урф-одатларини бир-биридан алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди”. Бу асосий яқинлик узок тарихий жараён натижасида вужудга келган. Ушбу ҳудудлар қадимги Хоразм, Хоразмшоҳлар давлати, кейинчалик эса Хоразм хонлиги таркибида бўлган. Археологик топилмалар, лингвистик тадқиқотлар ва этнографик маълумотлар хоразмликлар ва қорақалпоқлар ўртасидаги тарихий яқинлиқни, мустақкам алоқаларни, моддий ва маънавий маданиятнинг қўллаб-қувватлашганини тасдиқлайди.

(Давоми 3-саҳифада).

ТАҚДИМОТ

ҚАСРИ КИНОДА НАСРУ НАВО

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча жабҳалар қатори илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт, жумладан, китоб ва китобхонлик масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани жамоатчилигимизга яхши маълум.

Хусусан, жамиятимизда аҳолининг маданиятини юксалтиришга доир муҳим ҳужжатлар ижросини

таъминлаш юзасидан бошланган катта ишлар, миллий дастурлар изчил давом эттирилмоқда.

Ёшлар орасида китобхонлиқни ривожлантириш ва тарғиб қилиш вазифаси “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилангани ҳам ушбу масалага қанчалик жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Айни шу эзгу мақсадда мамлакатимиз китобхонда “Ёш китобхон”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон оила” сингари қизиқарли танлов-

лар, “Ёшлар учун минг китоб”, “Маърифат улашиб”, “Китоб қарвони” акциялари, китоб байрамлари ва ярмаркалари мунтазам ташкил қилинмоқда.

Яқинда Фарғона вилоятида Халқаро китобхонлик фестивали юксак савияда ташкил этилиб, унда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан китобсаварлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, зиёлилар иштирок этгани яна бир муҳим воқеа бўлди.

(Давоми 4-саҳифада).

АЛЛОМАЛАРИМИЗ



ФИДОЙИЛИК МЕЗОНИ

ДАҲБЕДИЙЛАР

XVI асрда Самарқанд яқинидаги Даҳбед қишлоғи бу ерга Наманганнинг Қосонидан келиб, ўрнашган Маҳдум Аъзам Қосоний – Даҳбедий шарофатидан нақшбандиянинг йирик марказига айланган эди.

УРГУТИЙЛАР

XIX аср охирилари – XX аср бошларида Даҳбедий пирларнинг муриди бўлган бир авлод шарофати билан Ургут тариқатининг муҳим манзилларидан бири сифатида ном

қозонди. Ургутий пирлар орасидан шундай бир сулола етишиб чиқдики, бу оила аъзолари тариқатни отадан ўғилга ўтказиб бориб, ўзига хос бир занжир ҳосил қилди. Занжирнинг бошида Хожа Валихон Ургутий турган эди. Бу зот ўз даврида “қутб уз-замон” дея юксак ном билан шарафланган. Тариқатга раҳнамолик қилиш Эшонни Валихондан ўғли Эшони Муҳиддинхонга ўтди. Эшони Муҳиддинхон, кўп муридлари қатори, ўғли Эшон Қутбиддинхонни тарбиялади.

(Давоми 6-саҳифада).





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мазкур институт фаолиятига кўмаклашиш ва мақсадли лойиҳаларга кенгроқ жалб этиш учун “Қурғоқчилик ва экологик муаммоларнинг олдини олиш бўйича қўшма йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этаман.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган, барчамизнинг фахр-ифтихоримиз бўлган буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тараннум этиш биз учун шарафли ва масъулиятли вазифадир. Шу боис илм-фанни ривожлантириш ва ёш авлод учун таълим имкониятларини кенгайтириш ниятида Туркий дунё хартиясида “Илмдан ўзга нажот йўқ” деган юксак ахлоқий ғояни муҳрлаб қўйдик.

Ушбу эзгу мақсад йўлида Тошкентда Туркий давлатлар халқаро университети очилмоқда. Мазкур ўқув даргоҳида туркий давлатларнинг етук профессор ва олимлари фаолият олиб бориши кўзда тутилмоқда. Бу эса ёш авлоднинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини

юксалтиришга, уларнинг замонавий билимларни эгаллашига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ўтган йили Ўзбекистоннинг Туркий маданият ва мерос жамғармасига расман аъзо бўлиб кириш ҳақидаги қарорини эълон қилган эдик. Ушбу тузилма доирасида умумтуркий маданий меросимизни асраб-авайлаш ва уни келгуси авлодларга безавол етказиш олдимида турган муҳим вазифадир. Бу соҳадаги мулоқотни кенгайтириш мақсадида Жамғарма Кенгашининг навбатдаги йиғилишини мамлакатимизда ўтказишни таклиф қиламан.

Давлатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантиришда Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ алоҳида ўринга эга. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга олиб чиқиш ва ТУРКСОЙнинг нуфузини янада ошириш учун унинг фаолияти ва тузилмасини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Шу мақсадда ташқи ишлар ва маданият вазирларимизга Боку саммитига қадар тегишли таклифлар

ишлаб чиқиш вазифасини топширсак, тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Мухтарам ҳамкасблар!

Бундан уч йил олдин туркий дунё бирлигига қўшган улкан ҳиссаси учун буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этган эдик. Бугун ушбу нуфузли мукофот билан атоқли турк олими, биохимик, Нобель мукофоти совриндори, жаноб Азиз Санжар тақдирланаётганидан беҳад мамнунмиз. Бу машҳур олим Ўзбекистон Миллий университетининг фахрий доктори эканидан биз албатта ғурурланамиз.

Аминманки, бугунги тақдирлаш маросими туркий дунё олимларини, жумладан, илм-фан йўлига дадил қадам қўяётган ёшларимизни янги-янги марралар сари рағбатлантиради.

Азиз дўстлар!

Бугунги Будапешт саммитида қабул қилинган муҳим қарор ва ҳужжатлар қардош халқларимиз ўртасидаги тинчлик, ҳамжиҳатлик ва барқарор тараққиётни мустақамлаш йўлида янги саҳифа очишига ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

МУЖДА

НОБЕЛЬ СОҲИБИГА НАВОИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳридаги Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида “Туркий дунё бирлигига қўшган ҳиссаси учун” Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди.



Ушбу мукофот Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг 2021 йил 12 ноябрда Истанбул шаҳрида ўтказилган VIII саммитида Президентимиз ташаббуси билан Туркий кенгаш доирасида таъсис этилган эди. Туркий дунё маънавий-мари-фий ҳаётига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номи билан аталган бу нуфузли мукофот фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий маданиятни тарғиб қилиш, тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва ишончни мустақамлаш, шунингдек, туркий халқлар ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган алоҳида ҳиссаси учун ҳар икки йилда бир марта топширилиши белгиланган.

Мазкур мукофотга илк бор атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов муносиб кўрилиб, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга тантанали топширган эди.

Бу йил мукофотга таниқли турк биохимёгари, Нобель мукофоти совриндори, Ўзбекистон Миллий университети фахрий доктори Азиз Санжар сазовор бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Азиз Санжарни самимий табриклаб, нуфузли мукофотнинг илм-фан арбобига топширилиши туркий дунё олимлари, жумладан, ёшларни янги марраларни забт этишга илҳомлантиришини алоҳида таъкидлади.

ТАҲРИРИЯТ

ТААССУРОТ

ВАТАН УНУТМАЙДИ ҚАҲРАМОНЛАРНИ

Ўтган йили Озарбайжонга борганимда юрт бўйлаб саёҳатни “Биринчи фахрий хиёбон” ва “Иккинчи фахрий хиёбон”лардан бошлаганим. Уларда Ватани ва халқи тинчлиги йўлида қурбон бўлган мардлар дафн этилган. Қуролдошлар гўё қабристонда ҳам саф тортиб, елкама-елка ётарди. Қора ва оқ мрамрларда ҳарбий либос кийган, қўлида қурол тутган қаҳрамонларнинг мағрур сурати ярқирайди. Ҳар қабр бошида бир байроқ оловдек ҳилпирайди. Гул қўйдик. Таъзим қилдик. Қайтдик.

Бизда ҳам шундай фидойилар ўтган. Аммо мустақиллик йилларида мамлакатимиз тинчлиги йўлида жон фидо қилган қаҳрамонларга атаб бирор ёдгорлик ўрнатилмаганидан андек ўксиган эдим ўшанда. Хайриятки, орзум ушалди... Назаримда, юртимизга келган ҳар бир меҳмон сафарни пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган Ғалаба боғидаги “Миллат фидойилари”ни зиёрат қилишдан бошлаши керак. Чунки бугунги нурафшон кунларга, осуда тунларга айнан шу қаҳрамонлар туфайли эришдик.

Шу эзгу анъанага биринчилардан бўлиб амал қилиш мақсадида куни кеча “Jadid” газетаси жамоаси билан ўша кутулғ масканга бордик. Унинг ғарбий дарвозасидан кираверишда мазкур боғ бошлиғи – Шухрат Юсуповни учратиб қолдик ва янги монументлар ҳақидаги саволларни бердик. У киши муҳташам мажмуани бир бошидан шарҳлай кетди: “Ҳозир биз боғнинг “Миллат фидойилари” деб номланган бўлимамиз. Сиз кўриб турган мазкур ёдгорлик мустақиллик йилларида мамлакат ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ёрқин хотирасига бағишланган. Мажмуага куш парвози баландлигидан қарасангиз, Ўзбекистон байроғидаги ярим ой ва ўн икки юлдуз шаклини кўрасиз. Қаршимизда турган салкам икки метрли юлдузларнинг қирралари ўзига хос битиктош вазифасини ўтайди. Ҳар бирининг ён тарафига 196 нафар қаҳрамон номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган”.

Булар уйда мушфиқ онаси, нуроний отаси, назокатли аёли кутаётган аскар чегарада собит турганча осмонга тикилганида кўринган юлдузлардир эҳтимол? Ҳар бир кўрсатган жасорати сўғида муносиб тақдирланганда елкасига ёғилган юлдузлардир балки? Ёки булар бугунги фаровон ҳаётимиз учун жонини қурбон қилган ва ҳозир бизга қўқдан қараб турган юлдузлар сиймосидир? Ким билсин...

Эътиборлиси, уларда замонавий мониторлар ўрнатилган бўлиб, миллат фидойилари тўғрисида маълумотлар фото ва видеолар орқали намоиш этиб борилади. Сиздан биргина нозик ҳаракат кифоя. Ҳар бир жангчининг ўз ҳикояси бор. Ҳаммаси юрт ҳақида, тинчлик тўғрисида. Мардлик номаларини ўқиркансиз, бўғингизга фахр аралаш нимадир тикилади. Ёшлана бошлаган кўзингизни ҳамроҳлардан олиб қо-



чишга тиришасиз. Аммо фойдасиз, негаки, уларнинг ҳам намчил кўзида аллақачон юлдузлар милтирай бошлаган...

– Мазкур мажмуанинг орқа томонида... – жаранлаган овоз ипакдек майин бўлса-да, туйқос чўчитиб юборди. Гапирётган аёл Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси етакчи илмий ходими Барно Исокова экан, – яъни “ой”нинг орқа тарафида мана шундай ёруғ кунларимиз учун курашган инсонлар тимсолини кўршингиз мумкин. Ушбу ҳайкалтарошлик композициясида Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Олий суд ва прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона кўмитаси, Миллий гвардия каби тузилмаларда фаолият олиб борган ва шу фахрли йўлда ҳалок бўлган хизматчилар сиймоси акс эттирилган.

Демак, бу – бағрида қуёш нурида ял-ял товланиб оқаётган кўзгусифат шаршараси бор “ой”нинг орқа томони... “Ойдин тунлар, осойишта, тиниқ тонлар” ортида шу инсонларнинг заҳматлари ётаркан-да?! Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғи деганлари шумикин?

Марказда бир-бирига суянган, жигарғушаси кетган йўлга қўз тиккан меҳрибон ота-она ҳайкали қад ростлаган. Ўзбекона кийинган, кекса бўлса-да бардам отахон юзидаги алланечук маҳзунлик билан марҳум фарзанди кўрсатган жасоратдан ғурурланиб турибди. Қўйиб берсанг, ҳозироқ қурол олиб ўғли жон берган жойга боради. Эҳ-ҳе, агар бу ҳайкалга тил битса борми, белбоғини яна-да маҳкам боғлаб, бир чуқур нафас оларди-да, шундай дерди: “Биргина ўғлим бор эди... Лекин ўн нафар бўлганда ҳам барчасини Ватан ҳимоясига юборган бўлардим. Албатта, саф бошида ўзим тураман!”

Шунда ҳам ёнидаги онахон бир сапчиб тушарди. Аммо эрининг ўткир нигоҳидан уялиб, яна шу ҳолатига қайтади. Ҳозир у бир қўли билан катта, қалин, оқ рўмолининг бир четидан омонат ушлаган, бир қўлида ҳарбий либос... Маҳзун, хомуш, дилгир – шу бўёқдаги барча сўзлар бирлашса, муш-типар онаизорнинг қиёфасига яқинлашади. Уларнинг ортидаги деворда гардиши бир тишланган нон (унга узоқроқ тикилсангиз, қулоғингизга “Ой бориб, омон қайтсин” деган овоз эшитилгандек бўлади), ўқил-

ган-ўқилмаган, рангин ва рангсиз хатлар, Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқидида қуёшдор арслон, бешик – юртсевар, тинчликсевар авлод улғаядиган эзгу ният бешиғи ҳамда мангу ўчмас умид чироғи бор. Икки ёнда эса биз одатда хотира хиёбонларида учратадиган маънавият ва маърифат устуни тасвирланган.

– Меҳроб олдидаги миллий услубдаги икки устун, миллий ғоя ва муқаддасликка суянган давлат таянчи рамзи сифатида намоён бўлади. Бу ердаги ҳар бир сиймода ҳақиқат ўз аксини топган, – дейди “Шон-шараф” давлат музейи кузатувчиси Нигора Ҳамроева, – Қурол-яроғ дейсизми, техника дейсизми, аскарлар кийими, юз тузилиши, ҳатто гавдалари ҳам ўша даврда қандай бўлган бўлса, шундай ишланган. Она ҳайкалининг чап орқа томонидаги бешик ватанпарвар, жасур фарзандлар тарбияланган муқаддас уй муҳитини ифода-лайди. Отанинг орт томонидаги йиғилган кўрпа-тўшаклар ҳар бир ота-она фарзандининг келажаги ҳақидаги орзу-умидини англатади.

Унинг сўзини Барно Исокова давом эттирди: “Мисол учун, Мудофаа вазирлиги учун ажратилган бўлимини олайлик. Биринчиси – ҳарбий учувчи, катта лейтенант Шермухаммад Аширов. Қаранг, юзида виқор, тезлик ва масъулият туйғуси. 2000 йилда Ми-8 вертолётда Сурхондарёда террорчиларга қарши курашда двигателга шикаст етиши натижасида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Учувчининг ёнида ўқчи кичик сержант Юнус Охунов, тактик нимча кийган, хужмага шай. Марказда – сержант Улуғбек Барноев, формасидаги эмблема, камар, юзидаги шижоат, ишонч ва қатъият у ҳақида маълумот бериб турибди. Унинг ёнида снайпер, лейтенант Сайёр Саъдинов елкасига автомат осиб олган, лекин позицияси сокин ва мустаҳкам. Юзидаги вазминлик, кўзидаги кузатувчанликка эътибор беринг. Саъдиновнинг ёнидаги жангчи – фельдшер сержант Қаҳрамонжон Мадалимов, унинг юзида жасорат, шу билан бирга шифокорларга хос раҳмдиллик акс этган. Қўлида тез тиббий ёрдам сумкаси. У ярадор сафдошини елкалаганча, бир қўлида қурол билан жанг қилган. Қуролдошларига тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида ўзи ҳам



ўқ ёмғири остида қолади. Фон қисмидаги тоғлар – давлатимиз мустақамлиги ва табиий ҳимояси. Самолётлар, вертолётлар ва танклар – замонавий ҳарбий-техник салоҳиятни ифодалайди”.

Кўнглимизда чексиз ифтихору алам билан кейинги бўлимга юзланамиз. Унда Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари тасвирланган. Бир қўлида бола кўтарганча олисларга тикилиб турган, ниқобдаги махсус хизмат ходимини танидим. У Суриядаги уруш ўчоғида қийин аҳволда қолган, отаонасидан айрилган болаларни олиб келишга қаратилган “Меҳр операцияси”да фаол иштирок этган мард ўғлонлар сафиди бор эди. Улар билан бир қаторда икки нафар прокуратура ходими, тизим эмблемаси, судьялар, адолат тарозиси ишланган.

Шу пайт Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси бошлиғи Шухрат Юсупов Давлат Божхона кўмитасининг тўрт нафар ходимини таништира кетди: “Ўнг тарафдаги пилотка кийган аёл подполковник Малика Қорёғдиева – Божхона тизимидаги илк ходима ҳисобланади, ёнидаги старшина Саидқабар Нажимов, 1991 йил Сурхондарё Божхона бошқармасида кўчма божхона пости кичик инспектори лавозимида хизмат қилган. 1992 йил 25 август куни қонунбузарларга қарши курашиш вақтида қуролли ҳужум оқибатида ҳалок бўлган. Охиридаги катта сержант Акмал Ўринбоев эса бошқалардан фарқли равишда хизмат ити тасмасини ушлаб турган ҳолда тасвирланган. У 2021 йил июлда вафот этган. Хизмати давомида 60 дан ортиқ гуруҳ (400 дан зиёд кинолоғлар)га инструкторлик қилган.

Гап-гап билан бўлиб, “ой”нинг деймизми, “ёй”нинг деймизми, ишқилиб, бир чеккасига бориб қолибмиз. Тагин марказдаги “Ота-она” сиймосига қайтдим. Ҳар бир қаҳрамоннинг тақдирини ҳаёлда қайта варақланди. Шундай қилиб, ўнг томонига ўтамиз. Мутахассислар айтмоқчи “баландлиги 5,2 метр, эни 42 метр бўлган барельеф композициянинг бу қисми Ички ишлар ходимлари тасвири билан бошланади. Чап томонда полковник Баҳодир Ҳошимов мардонавор кўринишда, нигоҳлари жиддий. У 2000 йил 22 август куни Избоскан туманида қуролланган террорчиларга қарши гуруҳ раҳбари сифатида махсус операция вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Унинг ёнида

сапёр махсус пиротехник ҳимоя кийимида тасвирланган. Ён томонидаги қурол ушлаган аскарнинг эғнида ўқ ўтказмайдиган камзул. Тўртинчи аскар образининг қўлида ҳимоя қалқони, юзида ниқоб, кўксиди ўқ ўтказмайдиган зирҳи бор. Бешинчиси патрул пост хизмати ходими, ўз хизмат бурчини бажаришга шай ҳолда акс эттирилган. Орқа томонда баланд тоғлар ва ҳарбий машиналар кўриниши жанговар муҳит ва енгил, аммо кучли атмосферани кўрсатиб беради. Улар кийимлари ва ускуналари юқори даражада ҳимояланган ва ҳар қандай жанговар вазифани бажаришга тайёр.


Кейинги бўлимда Миллий Гвардиянинг тўрт нафар аскари гавдаланган. Бошидагилар – III даражали сержант Хусниддин Суяров ҳамда оддий аскар Ҳазрат Юсунов 2020 йил 1 май куни Сардоба сув омборида юз берган техноген офатда фуқароларни қутқариш вақтида ҳалок бўлган.

Навбатдаги композиция Президент давлат хавфсизлик хизмати ходимлари. Унинг ёнидаги икки аскар жанговар кўринишда. Бу ерда Президент хавфсизлигини таъминлаш учун барча ҳарбий қучларнинг мустаҳкам бирлиги тасвирланган. Орқа фонда Янги Ўзбекистон боғидаги Мустақиллик Стелласи ва Олий Мажлис биноси акс этган.

Кейинги ҳайкаллар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларини ифодалайди. Биринчиси оддий аскар Абдурахмон Азимхўжаев мўътабар онахонга ёрдам бермоқда. У 2021 йил 7 июнда Тошкентнинг Бўрижар каналида чўкаётган фуқаронни қутқариб, ўзи чўкиб кетган. Ёнинг ёнида оддий аскар Отабек Султонов ёш қизалоқни қўлида кўтариб, уни хавфсиз жойга олиб бормоқда. Аммо... 2021 йил хизмат вақтида жанговар вазифани бажариш мобайнида қуйиш оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг ёнидаги икки аскар: бири гаввос либосида, сув остидаги фавқулодда вазиятга ёрдам бериш учун тайёр, иккинчиси эса газ ниқобда, кимёвий ва газли таҳдидларга қарши ҳимоя сифатида кўрсатилган. Бу саҳна фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари масъулияти ва кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиш истагини ифодалайди.

Эҳ-ҳе, бу жасур ўғлонлар ҳақида дoston ёзаман десангиз, узунлиги тўққиз саржин, қалинлиги етти қулоқ, оғирлиги ўн тўрт ботмонлик китоб бўлади. Ҳар бири Гўрўғли, ҳар бири Алпомиш, ҳар бири Кунтуғмиш, ҳар бири Рустамхон! Гапни қисқа қилиб, ишга киришавериш керак. Ватан осойишталигини кўз қорачигидек асраш учун кўкс қалқон бўлган жасур ўғлонлар ҳақида қаҳрамонлик дostonлари, миллат руҳини уйғотадиган бадий-ҳужжатли фильмлар, ёшларни шижоатли қиладиган, ижтимоий тармоқларда тинмай айланиб турадиган роликлар, тўйбоп нағмалардан чарчаган аҳолини яқин ўтмиш, бугун ва келажақ ҳақида мулоҳаза қилишга ундайдиган жангдор ва мазмунли қўшқлар яратиш фурсати етди! Нима дедингиз, азиз юртдош, кадрли ижодкор?

Шахриёр ШАВКАТ



ТАРИХ ЧАРХПАЛАГИДА БИР БУТУН МАКОН

Бошланиши 1-саҳифада.

Хоразм қадимги даврларданок Марказий Осиёнинг маданият марказларидан бири бўлиб келган. Бу ҳудуддаги давлатчилик анъаналари, жумладан, афригийлар, хоразмшоҳлар сулоласи, салжукийлар ва кейинчалик Амир Темур ва шайбонийлар давридан қолган ёдгорликлар бу ернинг бой тарихга эга эканлигини далил беради. Мазкур субминтақа Амударёнинг куйи оқимида жойлашган бўлиб, қадимдан Хоразм воҳаси деб номланган. Унинг атрофини чўллар ва даштлар ўраб турган бўлса-да, Амударё туйайли ҳосилдор ва ҳаётбахш масканга айланган. Илк шаҳарсозлик ва суғорма деҳқончилик ана шу ерда шаклланиган.

Ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудуди эса Хоразм воҳасининг ажралмас бир қисми сифатида асрлар давомида Хоразм маданияти, тили ва тарихий жараёнлари билан муштарак ривожланиб келди. Қорақалпоқлар туркий халқлар орасида ўзгача ўрин тутди. Мухаммад Амин иноқ даврида (1755–1790) қорақалпоқ уруғларининг Амударё дельтасининг шарқий қисмидаги Кўкўзак ва Орол ўртасидаги ерларга жойлашуви, шунингдек, Мухаммад Раҳимхон I (1806–1825 йиллар) даврида Амударё куйи дельтасидаги ҳудудларга тарқалиши уларнинг бу ерлардаги турли этник гуруҳлар билан муносабатларини мустаҳкамлаб, маданий-маънавий қадриятларнинг уйғунлашиб боришига хизмат қилган. Улар Амударё водийсида яшаб, ўз миллий урф-одатлари, тили ва санъати билан Хоразм ҳаётида фаол иштирок этиб келдилар.

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг тарихи, маданияти ва географияси ўзаро чамбарчас боғланган. Хусусан, умумий суғориш тизимлари, сувни бошқариш анъаналари, савдо алоқалари, оилалар ўртасидаги никоҳлар минтақани бирлаштирувчи асосий омили бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон ва Хоразмни қамраб олган мана шу ҳудуд ўзининг тарихий аҳамияти билан ажралаиб туради. Бунинг исботи сифатида Тупроққалъа, Аёзқалъа ва Қўйқирилганқалъа каби тарихий ёдгорликлар мисол бўла олади. Улар умумий маданий илдиэларни, ягона маданий маконга мансубликни кўрсатиб беради.

Маданий жиҳатдан ҳам бу икки ҳудуд ўзаро яқин. Мусиқий мерос, халқ оғзаки ижодиёти, миллий либослар, ошхона анъаналари ва турмуш тарзидаги яқинликлар мазкур ҳудуд узвий бир бутунликка ривожланганлигини исботлайди.

Масалан, Хоразм ва қорақалпоқ фольклоридagi достончилик анъаналари бир хил тарзда шаклланиган. “Алпомиш”, “Фарҳод ва Ширин”, “Гўрўғли” каби эпик асарлар ҳар икки ҳудуд аҳолиси орасида кенг тарқалган ва уларнинг ижрочилик санъатида ҳам умумий-

лик бор. Шунингдек, миллий қўшиқлар ва макон анъаналаридаги яқинликлар ҳам кўплат тадқиқотчилар томонидан қайд этилган.

Тарихий манбаларга кўра, бу ҳудудлар Хоразм цивилизациясининг маркази бўлиб, милoddан аввалги даврлардан Ислоннинг Олтин асригача кўплат давлат ва империялар таркибида бўлган. Айниқса, Хива хонлиги бу ҳудуднинг маданий бирлигини тўлиқ намоён этган.

Амударёнинг икки соҳилида жойлашган бу ҳудудлар асрлар давомида сув ва тупроқ ресурслари орқали ўзаро боғланган. Амударё нафақат ҳаёт манбаи, балки маданият ва иқтисодий алоқаларнинг асосий қон томири сифатида хизмат қилган.

Хоразм ва Қорақалпоғистон иқлими, флора ва фаунаси ягона экотизимни ташкил этади. Шунингдек, Сўғай, Устюрт, Қизилқум каби кенг саҳролар ва кўллар – бу ҳудудларнинг табиий қиёфасини белгилаб берувчи асосий омиллардир.

Ушбу субминтақанинг географик ягона тизим сифатида қаралиши, айниқса, сув ҳўжалари ва экологик масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Хоразм ва Қорақалпоғистонда экологик муаммолар – хусусан, Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этиш бўйича ягона ёндашув асосида иш олиб боришмоқда.

Сўнгги йилларда субминтақада ўтказилаётган маданий фестиваллар, илмий тадқиқотлар ва меросни сақлаш лойиҳалари мазкур ҳудудни ягона маданий макон сифатида тиклашга хизмат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар нафақат маданий тикланишга, балки иқтисодий ва иқтимоий барқарорликка ҳам ҳисса қўшаётир.


Шуни унутмаслик керакки, ҳудудий бирлик гомогенликни эмас, балки хилма-хиллик ичидagi уйғунлигини аниглайди. Қорақалпоқлар ўз урф-одатлари, тили ва этник ўзлигига эга бўлган ҳолда, хоразмликлар ҳам ўз шевалари ва шаҳар маданиятини сақлаб келмоқда. Бу хилма-хиллик умумий тарих ва ҳаёт тарзи асосида уйғунликка эришган.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм ва Қорақалпоғистон тарихи, маданият ва география жиҳатидан ягона макон саналиши илмий жиҳатдан аксиома десак мулоҳаза эмас. Археология, лингвистика, оғзаки анъаналар, сиёсий тарих ва замонавий ижтимоий амалиётлар барча чуқур илдиз отган боғлиқлиқни кўрсатмоқда. Бу бирлиқни таний олиш ва ҳўмия қилиш нафақат илмий, балки умумимиллий аҳамиятга эга. Мамлакатимиз ўзининг миллий ўзлигини ва мерос сиёсатини ривожлантираётган бир пайтда, халқимизнинг ҳақиқий кучи унинг буюк ўтмишида ва Янги Ўзбекистоннинг ёрқин келажаги сари оғзибирчилик билан интилишида яққол намоён бўляпти.

Баҳром АБДУХАЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Шарқшунослик институти директори

МУШОҲАДА

“МАЪРИФАТ ЙЎЛИ, АЛБАТТА, БОСИБ ЎТИЛАҒУСИ”



Шундай суҳбатдошлар бўладики, уларнинг ҳар бир гапи – тажриба, ҳар бир мулоҳазаси – таҳлил, ҳар жавоби – тадқиқ. Кинематография агентлиги директори, адабиётшунос, жадидшунос олим, профессор Шўҳрат Ризаев ана шундай дилкаш суҳбатдошлар сирасидан. Олим билан бевосита бугунги адабий жараёнлар, ўзбек драматургияси, кино ва театр асарлари моҳияти, ёшлар ижоди юзасидан фикрлашдик.

– *Сиз серқирра зиёлисиз. Аввало, жадидшунос олим, кино ва театр арбоби, нуктадон танқидчи сифатида самарали фаолият олиб бораёсиз. Маълумки, жами маърифий йўналишларнинг чароғбони китоб бўлган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун даставвал бугун биздаги адабий асарлар салмоғи ҳақида мулоҳаза юритсак.*

– Бугун ўзбек адабиётида, миллий драматургияда, кино ва театр асарларида янгича ёндашувларга интилиш, изланиш, креатив фикрлаш каби хусусиятлар кўзга ташланмоқда. Албатта, бугун ижодий жараёнда турли хил йўналишлар низоҳатда кўп. Буларнинг барчасини ўқиб, кузатиб, қўриб бориш имконсиз. Бойси, биз шиддатли ахборот асрида яшаймиз. Дунёнинг турли бурчагидан ҳар хил шаклдаги ахборотлар ёпирилиб кириб келмоқда. Бунинг ҳаммасини одам ўз тафаккури сузгичидан ўтказиб, уни маълум тизимга солиб, муайян бир маҳраж остида бирлаштириши осон эмас. Шу маънода бугун турфа соҳалардан келаётган ахборотларни ўқиб, ўрганиб, ўзлаштириб, улардан тафаккур учун озиклишни тажрибаси, билим даражаси, ўқуви, иштиёқи банд одамларгагина насиб қилади деб ўйлайман. Жамиятда бу тоифа одамлар, таассуфки, камайиб борапти. Бундай бўлишига бош сабаб истеъмол кайфиятга ҳаддан ташқари берилишдир. Бу эса кунини бемалол, масъулиятдан холи, бепарволик билан ўтказишга интиладиган авлоднинг пайдо бўлиб қолаётгани билан белгиланади десак янглиш бўлмас. Шунинг учун ҳам биз “ёшларимиз унга қарамаюпти, бунга қавмайпти, буни билмаяпти, бизни давримизда унақа эди, бунақа эди”, деган шикоятмўз гапларни кўп гапираемиз. Очиғи, бунақанги гаплар кўпинча ўз ҳолича қолиб кетади. Амалий ишлар билан мустаҳкамланмайдими.

Ҳаётий масалалар билан чамбарчас амалий ҳаракатлар бўлиши лозим. Айниқса, ёшлар аудиториясига кириб борадиган адабий асарлар, санъат маҳсуллари навқирон авлодни тириклик ҳақида ўйлашга, ҳаётда ўз “мен”ини ва ўрнини топишга, интилишга даъват этадиган, фикрлашга ундайдиган асарлар бўлиши керак. Сўнгги вақтларда ана шундай асарларга кўп ҳам дуч келмаяпман. Балки ёзилаётганлари, бордир, кўпдир. Лекин мен кўриб қолаётган асар асарлар мана шу тушунчалардан йироқ. Балки, давр хусусияти, замон тақозосидир бу. Аммо мен бундай масалаларда бироз бошқачароқ ёндашувни маъқул кўраман. Ёндашув шундан иборатки, ҳар бир ўқилган билан мулоҳазага ундаши керак.

Тўғри-нотўғри, яхши-ёмон, маъқул-номаъқул, дейдиган тушунчаларнинг фарқи бориб, қатъий ҳулоса чиқариб олиш учун маънавий озук берадиган асарлар бўлиши шарт.

Масалан, драматургия соҳасини олиб қарайдиган бўлсак, тарихимиз ҳам, бугунги кунимиз ҳам замонавий миллий асарларда ўз ифодасини топаётгандек туюлади. Лекин бу асарлар бадиий нукта назаридан қанчалик талабга жавоб беради?! Томошабин ёки ўқувчи хотирасида сақланиб қолиб, қанчалик таъсир кўрсатади? Ҳамма гап шунда! Тўғриси айтсам, мен бу масалаларда бироз шубҳаланаман. Айтганимдек, бу асарлардан кўпининг бадиияти, адабий қуввати анча пастдек туюлади менга. Мавзу долзарблиги, сюжет масалаларига эътибор қилмасиз-у, мавзунини ўрганиш, керак бўлса илмий, бадиий, маърифий таҳлил этиш борасидаги тоқат билан олиб бориладиган ишларни тасаввур қилмаймиз. Агар шуларни мушоҳада қилиб, мавзуга киришсак, асарларга ҳам жон қиради. Шу ўринда, масалан, Ойбек домла

ёки Ғафур Ғулومнинг ўз даврида Ўзбекистон Фанлар академиясига академик этиб сайлангани сабабини тушушгандек бўламан. Қачонки уларнинг асарларини ўқисам, хусусан, Ойбекнинг “Қутлўқон”, “Навоий” романларида акс этган воқелик ва образлар, персонажлар тарих нуктаи назаридан, олимлик позициясидан ўрганилса, тарих ёки адабиётшунослик соҳасидаги бир олимнинг умри давомида амалга ошириши мумкин бўлган илмий тадқиқотларидек таассурот яралади. Ойбек домла “Навоий” романини ёзиш учун ўтган асрнинг 20–40 йилларида имконияти даражасида бўлган 500 дан зиёд бирламчи илмий манбадан фойдаланган экан. Ҳозир битта тарихий китоб ёзиш учун бирорта ёзувчимиз, ҳеч бўлмаса, эплитка, боринг ана, ўнта манба кўрармикан?! Менимча, қўриши шарт.

Ойбек домла “Навоий” романида Ҳиротни тасвирлаб, Навоийнинг Хурсон салтанати пойтахтида амалга оширган ишларини бадиий лавҳаларда акс эттириб, асарини эълон қилганидан кейин, орадан йиллар ўтиб, Покистонга хизмат сафарига боради. Покистонга автомобиль йўли билан Афғонистондан ўтади. Шу жараёнда Афғонистонда бир-икки кун қолиш имкони туғилиб, Ҳиротни айланади ва шу аснода гўё ўзига бегона бўлмаган манзараларни кўраётгандек ҳис қилади. Уйга қайтгандан сўнг аёлига “Романи ёзаётганимизда ҳаёлан Ҳирот шаҳрининг тарҳини, харитасини чизгандим, шуни олиб чиқинг”, дейди.

Ойбек домла харитани қўрибқ ҳайрон қолади. “Зарифа, мен Ҳиротни кўрмасдан туриб, ўқиб-ўрганганларим асосида чизган эдим. Сафар давомида кўрдим, барчаси бир-бирига мос келяпти. Мен чизган харита билан ана шу жонли кўрганларим ўртасида даярли фарқ йўқ экан”, дейди. Бу Ойбекнинг Ҳиротни, Навоий даврини, Навоий сиймосини, унинг шахсиятини шу қадар чуқур ўрганганидан далолат беради. Шу туйайли у беш юз йил аввалги шаҳар кўринишини хотирасидаги тасаввурлари, таассуротлари асосида аниқ акс эттира олган. Мана бу илм нуктаи назардан олиб қаралса, катта бир олимнинг йиллар давомида амалга оширган тадқиқот иши деб баҳоланса арзийдиган мисол. Худди шундай фикрни Ғафур Ғулум ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шоир шеърларини ўқиганимиз сари ҳаёлимизда чўнг бир тасаввурлар, туйғулар уйғонади.

Шоирнинг истаган шеърини олинг, ҳар сатрида шоирона ғароҳат илму билгичлик маърифати билан омихталди ақлингизни шоширад. Ғафур Ғулумни фақат шоир эмас, мутафаккир файласуф шоир деган таърифнинг ботбот исботини топасиз.

Назаримда, Ойбеғу Ғафур Ғулумнинг буюклиги ҳам, улуғлиги ҳам айнан шунда, яъни илму маърифатида.

Мен бугунги навқирон адиблардан, ёш драматург, кино ва театр сценарийнависларидан айнан шуни кутаман ва мана шундай ёндашув бўлишини хоҳлайман. Яқин тарихимизда миллий мумтоз фильм намуналарини яратган киноижодкорлар ҳам озмунча илмий манбаларни ўрганган эмас. Бугун шунинг учун Президентимизнинг “Тирик тарих” деб номланган 50 дан ортиқ тарихий фильмлар яратиш борасида бизларга берган имкониятларини кўриб чиқаётганда ҳар бир киноижодкор уч минг йиллик ўтмишимизнинг ҳар бир даврини муҳаммад билиши ва зарур бўлса илмий-бадиий тадқиқ эта олиши керак деган фикрга келдик. Шу ниятда махсус ўқувлар ташкил қилиб, ўзбек адабиёти ва тарихи, миллатимиз кечмиши ҳақида давримизнинг энг олди олимларидан дарс, сабоқлар олдик. Бу дарслар шунинг учун ҳам янада зарур эдики, ватанимиз ўтмишига ва ўзбек адабиёти тарихига ёндашувлар жуда жиддий ўзгариб кетди. Бошқача муносабатлар, айрича бир қарашлар шаклланди. Янги-янги фактлар юзага чиқди. Ўтмиш шўровий мафқурадан, синфийлик ва партиявийлик деган тушунчалардан холи ҳолда адабиётни, санъатни ўрганиш, ўзлаштириш, тарихни илмий-амалий тадқиқ этиб, бадиий талқин қилиш талаби пайдо бўлди. Бу кинодир, бадиий адабиётдир, бошқа санъатдир, умуман ижод аҳли учун низоҳатда муҳим

талаб. Ана шу маънода мен асарларимизда пухта билим асоси, омили бўлишни истайман ва ўқиганларимизда ҳам шундай даража бўлишини хоҳлайман. Қолаверса, бу – давр талаби, Президентимиз талаби.

– *Жадидлар ҳаётини ўрганган, тадқиқ этган олим, “Жадид драмаси” китоби муаллифи сифатида бугун жадидлар ҳаётини бағишлаб суратга олинаётган фильмлар ҳақида, уларнинг тарихий ҳақиқатларга қай даражада тўғри келиши хусусида нималар дейсиз?*

– Мен ўзим жадидшунослик, жадидлик ҳаракатини ўқиб ўрганган бир мутахассис сифатида улар ҳақида фильмлар олинишида бевосита иштирок этдим, албатта. Масалан, Абдулла Авлоний, Ибрат, Бехбудий тўғрисидаги бадиий фильмлар, ўнлаб ҳужжатли, бадиий-публицистик фильмлар шулар жумласидан. Суратга олинган аксариёт фильмларнинг, айниқса, ҳужжатли фильмларнинг сценарий муаллифлари ўз вақтида жадидликни чуқур ўрганган Солиҳ Қосимов, Беғали Қосимов, Наим Каримов каби олимларимиз бўлган. Улардан кейин Баҳром Каримов, Баҳром Ирзаев, Бахтиёр Ҳасанов каби бир қатор олимларни фильмларни суратга олиш жараёнларига жалб қилдик. Ибрат ҳақидаги фильмни суратга олишда навқирон умрини Исоҳқон Ибрат ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлаган олим Улуғбек Долимовга мурожаат этдик.

Жараёнга олимлар билан бирга ёзувчи-адибларимизни ҳам тортидик. Масалан, Абдулла Авлоний ҳақида фильмга Тоҳир Маликнинг “Қалдирғоч” қиссаси асос қилиб олинди. Тоҳир ака Авлоний ҳаётини атрофлича ўрганган ва Мустақилликкача Авлоний ҳақида ўша асарини яратган эди. Вақтлар ўтиб мана шу асарни бизнинг илтимосимиз, талабларимиз билан қайта ишлаб, киносценарий ҳолида тақдим этдилар. Бехбудий ҳақида Наим Каримов бош илмий консультантликда режиссёр Бақо Содиқов фильм суратга олди ва юқорида айтганимиздек, фильмларнинг ҳаммасига қатор илмий тадқиқотлар асос бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам уларни мен муайян маънода намуна деб ҳисоблайман. Лекин бир нарсани таъкидлаш керакки, кино, театр, санъат асарларида, биринчи навбатда, халқимизни уларнинг маърифат нури билан таништириш бош мақсадимиз бўлди. Жадид боболар тарқатган зиё, халқ ичида олиб борган ишлари, кечмишлари ҳақидаги маълумотларни бадиийлаштириб кинофильмларга ўғирдик. Бунда бевосита жадидларнинг “маърифат йўли, албатта, босиб ўтилғуси” деган қарашларига суяндик. Ана шундай “маърифат йўли” билан суратга олинган ва маърифат тарқатиш истагида жадидлар ҳақидаги ҳақиқатларни айтиш ниятида яратилган фильмлар келгусида энди янги, таъкидлаганимиздек, юксак бадиий-фалсафий, руҳий, таҳлилий киноасарларни суратга олишда негиз бўлиб хизмат қилиши керак. Биз ҳозир энди “Тирик тарих” туркумидаги мегалойиха мисолида тарихий фильмларда мана шу йўсинда ёндашишни назарда тутаямиз. Ўйлаймизки, бу албатта, ўз натижасини беради.

– *Китоблар эзгуликка қорлайди, тафаккурни теранлаштириб, ақлни қарқайди, деймиз. Бугунги ёш адиблар ижоди мисолида ҳам ушбу фикрда собит қола оламизми?*

– Очиақ гап, бугунги ёш адибларимизнинг кўпчилигини билмайман. Мана шу кирилл ва лотин ёзувидаги озгина узилшлар, рости, менинг ёшимдаги, мен қатори кўпгина зиёлиларимизга таъсир кўрсатаяпти. Лотин алифбосида чиқаётган жуда кўп китобларни тўлиқ ўқиб бориш имконияти бироз чекланган. Лекин кирилл ёзувида чиққан адабиётларни имкон қадар кўраемиз, аммо унда кўпроқ ёшлар эмас, ўрта ёшдаги ёзувчиларнинг асарлари чоп этиляпти. Бизга тенгдош, биздан бироз ёш ва ўрта ёшдаги яхши ёзувчиларимиз бор. Назар Эшонқул, Абдуқамом Йўлдошев, Зулфия Қуролбой кизи, Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам... Уларнинг асарларини мунтазам ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Бу ёзувчилар адабиётимизда ўзига хос бир авлод ҳисобланади. Бу авлоднинг ҳаммаси турли йўналишларда

изланади. Бу авлодни кузатиб борган одам юксак адабиётнинг ҳидини топади улардан. Охири пайтда Хайридин Султоновнинг учта китоби, менинг назаримда, ҳозирги ўзбек адабиётида том маънодаги воқеа бўлди: “Одамлардан тинглаб ҳикоя”, “Навоий 30”, “Ишонч телефони”. Мана шу учта асар ўзбек адабиётининг бугунги даражасини кўрсатадиган ҳодисалар бўлди десам янглишмаган бўламан.

“Ишонч телефони” ҳақида салмоқли мақола ёздим. Бу асардан жуда таъсирланиб, маънавий завқ олганимдан тўлқинланиб ёздим. Мен ўзбек насрининг бугунги йўналишини Хайридин Султоновнинг шу уч китобида намоён этган услуби йўналишида бўлиши керак деб ўйлайман. Тўғриси, катта ички монологлар, руҳий таҳлиллар, табиат, жамият ва инсон ҳолатлари тасвирланган китобларимиз ўқувчини бироз толиқтирадиган, бугунги ўқувчи унча ҳам маъқул келавермайдиган жиҳатлар бўлиб қолди. Шунинг учунми, Хайридин Султонов ҳам ўз китобларида ана шу жиҳатларни, яъни ортиқча тафсилу тасвирларга эътибор қаратмай, ўз қарамадонларини, айна ҳаётий воқеалари билан бадиий баён усулида кўрсатиш йўлини танлайдики, пировардида ҳеч бир персонажнинг кечмишлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Унинг гоҳо комик вазиятларга тушадиган, гоҳо низоҳатда чуқур драматик кайфиятда кўринадиган, гоҳо эса ҳатто фожиавий ҳолатларда тасвирланадиган қарамонлари китобхонни ўзига ҳамдард этади. Бу китобни ёзувчи ўқувчида кучли иштиёқ, интиқ муносабатни пайдо қилади. Бу нафақат биз қатори ўрта ёшлиларни, балки навқирон ёшларнинг ҳам қалбига, фикратига йўл солувчи услуб. Ўқишга, китобхонликка майли бор ёш китобхонлар бу асарларни ўқиб, маънавий завқ олиши шубҳасиз. Ўйлайманки, адабиётимизнинг кейинги тараққиёт йўли Хайридин Султонов бошлаган услубий йўналишларда давом этиши керак.

Шеърятда ҳам кўпгина ёш шоирлар пайдо бўлди. Шулардан Шахриёр Шавкат исмли ёш шоир шеърлари мени қизиқтириб қолди. Бу йигитнинг бир-икки саҳналарда шеър айтганини эшитгандим. Ундан бир авлод юқорироқда Нодир Жонузок, Бехзод Фазлиддин, Ифтихор Хонхўжаев каби йигитларимизнинг шеърларини ўқиб, завқланиб, ўз вақтида муносабатимни ҳам билдирганман. Лекин ҳозирги ёш авлоддан мени озгина таниганим Шахриёр бўлди ва назаримда, бу йигитнинг келажагидан умидвор бўлиш мумкин. Бу йигит изланиб, ўз устида мунтазам ишласа, дунёнинг бори рангларини ўрганиб, билимларини бойитиб, туйғуларини янгилаб юрса, яхши бир шоир этилишига ишончим қомил.

Бугун ўзини реклама қилишга мойиллик кучайди. Дағалроқ айтилса, ўзини бозорга солиш урфга айланиб борапти. Кўп ёзғучиларда ҳали бир нарсани қойиллатмасдан, “мен” дейдиганлар кўпайиб кетаяпти. Мана шу иллатдан эҳтиёт бўлиш керак. Ижодкор одам сокин руҳият билан, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини англаб, ўзини топиб яшashi, изланиш ва ижод этиши, чиройли битиклар яратиши мумкин. Фақат ўша руҳиятига сокинлик бағишлайдиган ҳолатларда кўпроқ бўлиши керак.

Эътироф этиш жоиз, бугун “Jadid” газетаси ҳақиқий истеъдодларни юзага чиқариш учун ҳаракат қилаяпти. Бу жуда яхши. Назаримда, газетга илова бўладиган насрий, шеърый китоблар керак. Нашрда чиқаётган яхши шеърларни алоҳида, яхши насрий асарларни алоҳида, яхши мақолаларни алоҳида китоб қилиб чоп этиш ва тарқатиш зарур. Айниқса, ўқув муассасаларига кўп тарқатиш керак. Ўйлайманки, бу йўналишда “Jadid” газетаси олдида ҳали жуда катта вазифалар бор ва бу ишларни адо этишга қуввати ҳам етади. Тез фурсатларда мана шу ниятларимиз ҳам амалга ошса, ажаб эмас.

– *Шўҳрат ака, дилдан суҳбат учун сизга миннатдорлик билдирамиз ва таҳлилий, танқидий, мулоҳазали мақола ва суҳбатлариниғизни яна газетамиз саҳифаларида қўтиб қоламиз.*

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.



ҚАСРИ КИНОДА НАСРУ НАВО

Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳозирги кунда республика-мизда 600 дан зиёд наشريёт, 700 га яқин китоб дўконлари, шу билан бирга, китоб етказиб бериш хизматлари ҳамда онлайн савдо платформалари фаолият юритмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда китобхонлик масаласи давлат эътиборидаги муҳим масала бўлиб, мутлоаа маданиятини юксалтириш умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далолат беради.

Айни пайтда замонавий ўзбек адабиёти ҳам сезиларли юксалиш босқичига қадам қўйганини яратилаётган янги-янги бадиий асарлар мисолида кўриш мумкин.

Куни кеча пойтахтимиздаги муҳташам “Ренессанс” санъат

саройида мана шундай ўзига хос асарлардан бири – “Осмони фалакларда” номли янги китоб тақдими бўлиб ўтди.

Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб ушбу китоб ўзбек адабиётида деярли ёритилмаган мавзу – учувчилар ҳаётига бағишланади. Мажозий маънода “само лочинлари” деб аталадиган машаққатли касб эгаларининг мунтазам мардлик ва матонат талаб этадиган фаолияти, уларнинг фавқулодда ҳолатлардаги қалб кечинмалари, қатъият ва иродаси, севги ва бурча садоқат туйғулари чуқур драматизм билан тасвирланади.

Кутилмаган, шиддатли воқеаларга бой, кескин сюжет йўналишига эга ҳикояларда бош қаҳрамонларнинг маънавий жасорати ва инсоний ожизликлари, одамзод руҳиятининг сирли жу-



боқлари бетакрор характерлар тимсолида намоён бўлади.

Тақдимо маросимига буюк адабимиз Абдулла Қодирийнинг: “Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва янгаришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”, деган сўзлари бош ғоя сифатида танланганида чуқур рамзий маъно бор.

Тадбир биз ўрганган, кўникан одатдаги китоб тақдимо-ларидан мутлақо бошқача, янгича шакл ва ноънавий йўсинда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Театрлаштирилган сахналар, насрий, шеърӣ ва мусикӣ талқинлар, кинолавлар янгиликларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тақдимо Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, “Uzbekistan airways” компанияси ва Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мавзу ва воқеликка ёндашув, шакл-шамойил жиҳатидан ҳам янгича талқинга эга ушбу китоб “Адабиёт” наشريёти томонидан чоп этилган.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ НАШР

XX аср жаҳон адабиётида абсурдизм ҳаётнинг айрим томонлари бемаъни, мутлақо мантиқсиз эканини тасвирлайдиган оқим сифатида шаклланган. Узоқ вақт мобайнида абсурд драмаларига қуруқ сафсата сифатида қараб келинган. Лекин ўтган асрнинг 70-йилларидан бу оқим вакиллари давр олдига қўйган муаммолар долзарблиги аён бўлди. Абсурд драматургия вакиллари асарлари кишиларнинг театр ва сахна ҳақидаги тасаввурларини янгилади, унга замонавийлик бахш этди.



Абсурд драмалар тақдими

Биз реал ҳаётда рўй берадиган барча воқеаларда қандайдир мантиқий боғланиш бўлишига ўрганиб қолганмиз. Гўё ҳамма саволларга жавоб бўлиши зарурдек, одамлар яшашдан мантиқ излаб чарчамайди. Ёзувчиларнинг асарларида ҳам шундай: ҳар бирида мантиқ устувор. Бироқ абсурд асарлар одатий асарлардан кескин фарқ қилиб, турфа фалсафаларга йўғрилиб, бутунлай ўзгача усулда яратилади. Жумладан, абсурд пьесаларнинг хотимаси кишини ҳаяжонга солади, ҳиссиётларини жунбишга келтиради, тушуниб бўлмас, айни пайтда ҳаммаси аниқдек таассурот қолдиради.

Яқинда пойтахтимиздаги “Ренессанс” кино уйида илк бор юртимизда чоп этилган абсурд драмалари тўпламларининг тақдими бўлиб ўтди.

“Каркидон” номли биринчи тўпладан таниқли ёзувчилар Самуел Беккет, Жан-Пол Сартр, Эжен Ионеско, “Калигула” номли иккинчи тўпладан Альбер Камю, Фридрих Дюр-

ренматт, Словомир Мрожек, Фернандо Аррабал, Франц Кафка ҳамда Кобо Абэнинг абсурд драмалари ўрин олган. Мазкур асарларни ўзбек адабиёти ва театр санъатининг таниқли намояндалари Олимжон Салимов, Жаббор Эшонкул, Наби Жалоловдин, Абдулазиз Раҳматов, Абдурахмон Абдуназаров, Шаҳноза Назарова, Мафтуна Муҳаммадаминова ўзбек тилига ўғришган.

Тақдимода сўзга чиққанлар абсурд асарларнинг адабиёт ва санъатдаги ўрни, бугунги кундаги аҳамияти, таржимонларнинг маҳорати ҳақида сўз юритиб, йиғилганларни, барча китобхонларни юртимизда илк бор чоп этилган абсурд асарлар тўплами билан табриқлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон давлат драма театри ижодкорлари Фернандо Аррабал асари асосида режиссёр Расулжон Тоғайқулов сахналаштирган “Дала ҳовли” спектаклидан кўриниш намойиш этишди.

Г.УМАРОВА

МУТОЛАА

Таниқли тарихчи, архившунос Сирожиддин Аҳмаднинг навбатдаги “Солиҳбек додхоҳ – миллат қаҳрамони” китоби кўхна Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган ўта мураккаб тарихий воқеаларга, халқимиз орасидан етишиб чиққан миллат қаҳрамонларининг сиёсий-ижтимоий, ҳарбий фаолиятига, уларнинг юртни ҳимоя қилишга йўналтирилган курашига бағишланганлиги билан алоҳида илмий аҳамиятга эга.

Муаллиф даврнинг қарама-қаршиликларга тўла, зиддиятли жиҳатларини яхши билиши, тарихий, расмий манбалардан, чор ҳукумати-нинг даврий нашрлари ва ахборот-номаларидан, шунингдек, предмет-га тааллуқли илмий тадқиқотлардан пухта хабардорлиги, энг муҳими уларга танқидий ёндашгани, саёхатчиларнинг эсдаликларидан унумли фойдаланиши мавзунинг ҳар томонлама чуқур, атрофлича ҳамда вазмин ҳолатда ёритишида қўл келган.

Олим чор Россияси истилосига қарши 1864-65 йилларда Тошкент мудофаасини ташкил қилишда шахар аҳолисини сафарбар этган мулла Солиҳбек додхоҳ (1805–1868) ва унинг атрофида бирлашган маслакдошлари, миллатпарвар ватандошларимизнинг шонли фаолиятини бирламчи манбалар, хусусан, бу воқеаларнинг шохиди бўлган Мулла Солиҳ қори Тошкандийнинг “Тарихи жадидаий Тошканд” ва бошқа тарихий асарларга, рус даврий матбуотида чоп бўлган расмий ахборотномаларга таяниб тарихий воқеликни ҳаққоний ёритади.

Тадқиқотчи Солиҳбекни ўз даврининг таниқли, элпарвар кишиларидан Қозқобойий додхоҳ оиласида таваллуд топгани, дастлаб Тошкентда, кейинчалик эса Бухоро мадрасаларининг бирида таълим олиб келганидан кейин: “Орадан бир йилдан ортқч вақт ўтгач, Қўқон тахтида ўтирган Шералихон “муборакнома” юбориб, пойтахтга, маслак-ччи сифатида тақлиф этади” деб ёзади. У бир муддат хон саройида хизмат қилгандан сўнг ёрлик билан Тошкентга қайтиб фаолиятини давом эттиради. Додхоҳ хонлиқнинг ваколатли вакили сифатидаги бутун фаолиятини эл-улуснинг тинчлигини сақлашга, халқ манфаатини ҳимоя этишга, адолатни барқарор ва бардавом қилишга қаратганини олим тарихий манбалардан, шунингдек, замондошларининг хотираларидан келиб чиқиб атрофлича баён этади. Масалан, хонлиқдаги беқарор вазият, амалдорлараро ихтилофлар, хонларнинг тез-тез алмашishi булар барчаси аҳолини ҳолдан тойдирган, иқтисодиётни издан чиқарган: “Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, хонлик пойтахтида



сиёсий вазият барқарор эмаслиги сабабли ва унинг иккинчи йурик пойтахти бўлган Тошкентда савдогарлар, зодагонлар ва амалдорлар ўртасида турли-туман фитналар авж олгани туфайли шахар тараққиёти ва тинчлигига маълум маънода катта зарар келтирилган, халқ осудалиги бузилган. Солиҳбек ва укаси Йўлдошбек Тошкент шаҳрини ана шу фитнадан қутқармоқчи бўлишган”.

Мана шундай мураккаб шароитда иш қўрган Солиҳбек додхоҳ шимолдан келаётган хавфни жуда назик илғаган, уни имкон қадар бартараф этиш, юрт боёнларининг бошини қовуштириш, улар ўртасидаги шахсий кина-адovatни орадан кўтариш, халқ оғирини енгил қилиш ва осойишталигини сақлаш пайида бўлган. Бундан ташқари, узокчи кўра олган Солиҳбек додхоҳ ва унинг маслакдошлари чор Россияси босқини арафасида шахарни мудофаа қилиш мақсадида қардош-қўшни мамлакатларга ҳарбий-сиёсий ёрдам сўраб элчилар юборишган: “Кези келганда яна бир далилни эслаб ўтиш керак. Мулла Муҳаммад Юнус Тоиб хатти-ҳаракати, Солиҳбек додхоҳ ва бошқалар билан қилинган машеврат туфайли Алимқули эшик оғаси Туркия ва бошқа жойларга элчи жўнатади”.

Шундай таҳликали, оғир бир шароитда бурнининг тағидан нарини кўрмайдиган, фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган маҳаллий савдогарлардан уч юз нафари “...шаҳарни ташлаб, Чимкентга руслар паноҳига йўл олади”. Эслатиб ўтамиз, бу вақтда Чимкент забт этилган эди. Уларнинг айримлари эса руслар билан ошқора ёҳуд хуфёна тарзда “яқиндан ҳамкорлик” ҳам ўрнатади. Тадқиқотчи бу каби тарихий фактлар, далиллар билан ўтмишнинг зиддиятли, қарама-қаршиликларга тўла томонларини, нохуш ҳолатларини объектив, холисона ёритади. Бундай ёндашув китобнинг илмий қийматини оширади. Бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлод тарихий ҳақиқатни қандай бўлишидан

қатъи назар бутун мураккаблиги билан холисона, рўй-рост билиши шарт. Мана шундагина унинг мозий ҳақидаги тасаввурлари тўлиқ бўлади, ундан сабоқ олади, танқидий идрок этади ҳамда бугунги кунларнинг қадрига етади ва келажакки аниқ белгилайди. Ўтган кунлар ҳақида сўз юритганда ўтқинчи, сиёсий конъюнктура талабларидан келиб чиқиб қалам тебратиш ҳеч қачон ўзини оқламаган.

Китобнинг “Қалъадорлик ва сургун” фаслида шахар мудофаасини ташкил этишда Солиҳбек додхоҳ бошлиқ аҳолининг барча қатламлари сафарбар қилингани, юзлаб ҳарбий иншоотлар қурилгани, шунингдек, ҳар бир даҳа кишиларининг вазифаси аниқ белгиланганлиги хусусида сўз боради. Ташкилий ишларни амалга оширган Солиҳбек додхоҳ яна бир ўта муҳим нарсга қўл урадики, бу қўшиннинг руҳий ва жанговар қобилиятини кўтаришда, ҳамжиҳатлиқни таъминлашда, душманга қарши курашда самарали ёрдам берган: “Шундан сўн Мулла Солиҳбек додхоҳнинг маслакчиси билан ҳажми 17 мм.га 8 мм қалин қозғондан “Зулфқирон” тасвири туширилган ва қилинган даста ва тиг қисмига тўрт халифа номи ва муборак сўзлар битилган, кўкрак нишони таъсис этилади. Бу нишон жанг олдидан ҳар бир жангчига берилади ва халқ орасида тарқатилади”. Тадқиқотчи айни нишоннинг суратини китобга киритган.

Тошкент қамали 1865 йилнинг 27 апрелидан 17 июнига қадар давом этади. Ҳарбий ва сон жиҳатдан душман кучлироқ бўлишига қарамай, шахар аҳолиси қаттиқ қаршилик кўрсатган. Муаллиф Сирожиддин Аҳмад буни тарихчи Муҳаммад Умар Умидий Маргинонийнинг “Тарихчаи Туроний” асаридан келтирилган қуйидаги кўчирма билан исботлайди: “...ҳар кун фуқаройи Тошканд қуффор бирла урушуб жанебозлик кўреузур эди. Мулла Солиҳбек охунд шахар фуқаросига бош бўлуб, жангу жадалга тарғиб қилиб қўиш айлар эди”. Шунинг-

дек, тадқиқотчи шахар аҳолиси томонидан кўрсатилган қаршиликни рус қўшинлари кўмондонни ҳам расман тан олгани ҳақидаги ҳужжатни келтиради: “Тошкент шахрида жанговар ҳолат 42 кун давом этди. Генерал-майор М.Черняев Оренбург округ қўшинлари кўмондони Крижановскийга 1865 йил 7 июлда йўллаган рапортида Тошкентнинг мислсиз даражада шиддат билан ҳимоя қилиниши ўрта Осиёда сира кўрилмаган бўлиб, бу ушбу шахарнинг тарихий ҳаёти ҳамда амирдан ёрдам келишига умидворлиги билан изоҳланади”.

Минг афсуски, аҳоли интиқлик билан кутган ёрдам келмади. Устига-устак, ўзларининг тор шахсий манфаатларини кўзловчи Бухоро ҳукмдори амир Музаффар ҳамда Қўқон хони Худоёрхон бутун ҳарбий кучларни бир нуқтага жамлаш ўрнига ўзаро тўқнашувлар билан банд бўлади. Боз устига, юрт эгаси бўлмиш бу ҳукмдорлар рақиб билан хуфёна ёзишмалар олиб боради. Тадқиқотчи бу ҳақда куюниш шундай ёзади: “Шуни очик айтиш керакики, Черняевнинг ғалабасидан Худоёрхоннинг ўзи ҳам манфаатдор эди. У Черняев ёрдамида бир томондан қирғиз-қипчоқ фитналари, иккинчи томондан амир Музаффар қўлидан тахтни торттиб олмоқчи бўлди; ўғли Ибни Яминбек орқали зимдан ёзишмалар олиб борди”. Олим китобда Худоёрхон томонидан Черняевга ёзилган мактубнинг фотонусхасини келтириб, уни жорий алифбога таъдил ҳам қилган.

Сирожиддин Аҳмад маҳаллий тарихчиларнинг асарларига асосланиб, воқеа иштирокчиларининг шохидлигидан келиб чиқиб, рус расмий матбуоти нашрларидан танқидий фойдаланган ҳолда “Тошкент ўз ихтиёри билан Россия империяси таркибига қўшилди” деган сохта, бироқ бир қадар оммалашиб улгурган мулоҳазани кескин рад этади ҳамда қатор далилларни келтиради: “Черняев шахарга бостириб кирганига қарамай, кўчаларда тўрт кун қаттиқ жанглар давом этаётганини

кўриб, ўзи кечроқ сулҳ тузишни тақлиф этади” деб ёзади.

Қизиги шундаки, узоқ давом этган тортишувлардан кейин тузилган тинчлик шартномасининг нусхаси пойтахт Петербургга юборилганда “бу шартнома империя манфаатларига мос келмади” деган мазмунда жавоб олинган. Унинг қайта “тахрир” қилинган нусхасига эса бизнинг аҳдидан қайтмайдиган, лафзида турадиган миллатпарвар боболаримиз қўл қўймайдилар. Гап шундаки, биринчидан, шартнома тузилган заҳоти халққа ўқиб эшиттирилган, иккинчидан, “янги” шартнома миллатимизнинг узоқ муддатли манфаатларига бутунлай зид эди. Айнан шу сабабли: “Черняевнинг талаби Мулла Солиҳбек ва унинг тарафдорлари томонидан жиддий суратда қатъий рад этилди”. Бундан ғазабланган Черняев Додхоҳ ва унинг саккиз нафар маслакдошини сургун қилади.

Ушбу воқеаларнинг тафсилюти тирик шохид Мулла Солиҳхўжа қорининг форсий тилда битилган “Тарихи жадидаий Тошканд” асарида батафсил ёритилган. Афсуски, бу муҳим манба қатор тадқиқотлар объекти бўлганига қарамай, ҳозирга қадар тўлиқ нашр этилган эмас. Асарни ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб, зарур шарҳ, илмий изоҳлар билан чоп этиш мазмунининг қўллаб қоронги нуқталарини ойдинлаштириши, юртпарвар боболаримизнинг бугунги ёшларга ибрат бўлгулик нузли ҳаёт йўлини бутун мураккаблиги билан кўрсатиб бериши мумкин.

Номлоқ қолган генерал Черняев шахар боёнларига зуғум қилиб сохта шартномага қўл қўйиб тарқатишни буюради. Қизиги шундаки, сиёсий ҳужжатга айланган сохта шартнома 1927 йили “Ер юзи” журналыда чоп қилинган. Тадқиқотчи ҳужжатни жорий алифбога тўлиқ таъдил қилиб китобга киритган.

Солиҳбек додхоҳ сургунни Томск шахрида ўтаётган пайт татар миллатига мансуб Сайфуллабой деган кишининг хонадонида яшаб, табиблик билан шуғулланади. Одамлар-

ни даволайди, аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонади. Бу вақт “1867 йили апрель ойида шахар аҳолиси император Александр Иккинчига махсус мактуб йўллаб, Мулла Солиҳбек охунд ва шерикларини афв этиб, Тошкентга қайтаришни сўраб ариза йўллайди”. Ариза идоралараро сарсон бўлгани боис орадан 1 йил ўтиб афв ҳақида қарор чиқади.

Архив ҳужжатларининг нозик жиҳатларидан пухта хабардор Сирожиддин Аҳмад Додхоҳ билан алоқадор воқеалардан хабар берувчи қуйидаги ҳужжатни таъдил қилиб келтиради: “Орадан уч йил ўтиб, подшоҳ аъзам императордин рухсат ҳосил бўлуб, Тошканд шахрига ёнмоқчи бўлган воқтда мазкур ғамоз ва муфсидлар эшитиб, “Азар келсалар, бизларга кўп ишларни қилсалар керак” деб Домла Солиҳбекни хизматларида тургон мулозимларига ул муфсидлар пинҳоний хат бирла ақча ва заҳар юборган-дурлар. Ул кўрнамек мулозимлари дунё учун охират ташлаб, ул мархумга заҳар берганлар”. Минг афсуски, Додхоҳдан қолган омонатни оиласига етказмоқчи бўлган кишининг қисмати худди Солиҳбек охунд сингари бўлади: “1869 йил ёз ойида Сайфуллабойнинг ўғли Мулла Солиҳбекдан қолган мулк ва маблағни Тошкентга олиб келиб мархумнинг хонадонига топширмоқчи бўлди. Аммо у келгач сир очилиб қолишдан қўрққан кишилар уни ўлдириб юборишади...”

Булардан ташқари, китобда Н.Остроумов тўплаган материаллардан ҳам танқидий ва унумли фойдаланилган. Шунингдек, Додхоҳнинг авлодлари хотиралари, хусусан, фарзанди Собирбек ҳақидаги маърифатпарвар зиёли Муродхўжа Солиҳийнинг эсдаликлари ва яна набираси Н.Убайдуллабев қовуниг отаси ҳақидаги хотиралари шулар жумласидандир. Бу каби ёдонмаларда ул зоти мухтарам бутун ёрқин бастия, савия ва сажияси билан бўқин намоён бўлади. Китобдан шунингдек, иловалар, тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда архив ҳужжатлари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам жой олган. Булар бари тадқиқотнинг илмий қийматини белгиллаб, унинг аҳамиятини кўрсатади.

Қисқаси, тадқиқот мозий билан бугунги боғлайди, унинг ижобий ва салбий томонларини ҳаққоний ёритади, тарихдан сабоқ олишга қақиради. Энг муҳими, ватан учун жон фидо қилган боболаримизни бир зум бўлса-да унуттишга ҳаққимиз йўқлигини бизга эслатиб туради.

Абдурасул ЭШОНБОБОВ,
Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи илмий
ҳодими




ТАДҚИҚОТ

“АЛДАНГАН КУТИЛГАНЛИК”

лингвопоэтикасига чизгилар

Хар қандай санъат асарида, хусусан, бадиий асарда воқеанинг ҳам, ундаги лисоний тасвирнинг ҳам кутилмаганлиги, фавқуллодвалиги, оҳорлилиги мутлақо айрича аҳамиятга молик, мазкур сифатларга соҳиблик бадиий матн расолигининг азалий ўлчовларидан бири бўлиб келган. Дунё тилшунослигида “алданган кутилганлик эффекти” (инглизча – “defeated expectancy” ёки “амалга ошмаган башорат” деган ҳодиса кўпдан бери тадқиқотчилар эътиборида бўлиб келмоқда. Мазкур термин дастлаб атоқли тилшунос ва поэтикашунос Роман Якобсон томонидан фанга олиб кирилган.

Ўзбек тилидаги расо ва ранго-ранг бадиий матнларда бундай алданган кутилганлик ҳодисасининг гўзал намуналари бисёр. Масалан, ҳассос сўз санъаткори Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидан олинган қуйидаги парчага эътибор қилайлик, ундаги синестетик метафора асосидаги ғайриодатий бирикмада воқеланган аномалия – алданган кутилганликнинг бадиий-эстетик салмоғидан ҳайрат ва ҳузур туймасликнинг иложи йўқ: “Ҳамманинг кўзи унинг оғзига тикилган эди, ундан кейин ҳамма кўзлар бирданига минебоши томонга бурилиб, унинг оғзига осилдилар. Кўплар оғизлари билан ҳам тинглардилар”. Товушнинг оғиз билан эмас,



қулоқ билан тингланиши барчага бирдай маълум. Лекин тил мантиғи ва жамиятнинг англаш таомилига тамоман терс ҳолда Чўлпон бунинг акси мазмунда ғайриодатий бирикма тузган ва янги солиқ хабари таъсиридаги ҳайронликдан оғзи очилиб, изоҳ кутаётган омию бенаво оломоннинг оний ҳолатининг реал расмини ўқувчи кўзи ўнгиде гавдалантирган. Оғиз билан тингламоқ бирикмаси мазмунда воқеланган алданган кутилганлиқни илғамасликнинг имкони йўқ, шубҳасизки, у экспрессиядан иборат бадиий-эстетик мақсаднинг рўёби учун хизмат қилган. Оғиз билан сўз шакли ўқувчи идрокида ёмоқ, гапирмоқ, тишламоқ каби сўзларни тақозо қилиши, мазкур сўз шаклини эшитган ўқувчи айнан шу сўзларни кутиши табиий, аммо матнда унинг кутиши “алданади”, бу ҳолат унинг диққатини матндаги айни ўринда узокроқ тутишга мажбур қилади. Бу эса “алданган кутилганлик” сезгисининг бадиий-эстетик салмоғига куч беради. Келтирилган парчадаги “кўплар оғизлари билан ҳам тинглардилар” жумласининг оҳори, оҳанги ва тасвир таранглиги таъминотининг том синоати аслида ана шу ўриндаги алданган кутилганлик ҳодисасига кўради.

Алданган кутилганлик бадиий матнда айрим сўз ва бирикларнинг кўчма маънода, айниқса, образли кўчма маънода қўлланишида ҳам ўзига хос асос бўлади. Ўткир сўз сезгиси соҳиби Эркин Аъзамнинг “Шоирнинг тўйи” кассасида образли кўчма маънонинг бетакрор намуналарини кўриш мумкин, масалан: “(Мафкурахонимнинг) хушрўй-хушбичим қиз-жуёнларга талпиниши одамни бироз ўйлантиради. Шу рағбат сабабмики, Озод Шарқ аёлининг рутбасини кўтариш баҳона, кўп хотинни турли-туман лавозимларга “экиб таш-

лади”. Табиийки, лавозимларга тайинланади, бирикмадаги биринчи сўздан кейин ўқувчининг “кутгани” айна шу тайинланди сўзи бўлади, аммо матнда мазкур кутишга тескари ўлароқ экиб ташлади сўзи қўлланилган, яъни ўқувчининг мўлжали “алданган”,


“Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, эзгу ғояларни тараннум этишда ўзбек адабиёти ҳамиша мустаҳкам замин бўлиб келган ва ишонаманки, доимо шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

алданган кутилганлик воқеланган. Аммо лавозимларга экиб ташлади бирикмасидаги экиб ташламоқ сўзи образли кўчма маънода қўлланилган, ана шу тарзда зимну замини мустаҳкам, ўткир киноя борича бўй кўрсатган.

Маълумки, бойитмоқ сўзининг маъновий қамровида мусбат муносабат ва мутлақо ижобий баҳо акс этган. Аммо “Шоирнинг тўйи”да бу сўз салбий муносабат ва мутлақо манфий баҳо ифодачиси сифатида истифода қилинган (ўқувчи хунук хато билан ифодаси тақозо этадиган бошқа феълни, масалан, тўлдирди сўзини кутган, унинг кутиши алданган!) ва ундаги киноянинг захрини сезмаслик мумкин эмас: “Оқсоқол умри мобайнида жуда кўп хато қилгани маълум. Бугун, мажлисни якунлай туриб ана шу ноҳус рўйхатни тагин бир хунук хато билан “бойитди” деса бўлади”.

Бадиий матнда перифразалар, яъни тасвирий номлар иштирок этганда, ўзига хос бир тарзда алданган кутилганлик ҳам воқеланади. Ўқувчи диққати бу ном остидаги мазмуний моҳиятга етиш учун бир он унда тўхталади. Тасвирий ном англатган объект идрок этилгач, алданган кутилганлик ойдинлашади ва тасвирий ном ўзининг лингвопоэтик ва стилистик “юк”ини намоён қилади. Бунда кўпинча ўткир киноя росмана бўй кўрсатади, Эркин Аъзамнинг “Шоирнинг тўйи” асарида олинган қуйидаги парчада гувоҳ бўлиш мумкин: “Бу бинонинг лойиҳасини Бессараб даштларида тугилиб, ноёб иқтидори билан “белоён ўлка”нинг пойтахтини забт этган, унинг қоқ юрагида “дунё ўқусилларининг доҳийси” мақбарасини ҳам чизмалаб берган бир меъмор яратган. Қолаверса, бу каби тарихий обидаларнинг тамал тошини енаштаклиқни жини суймайбизан, ҳар ишда ҳайбату дабдабага ўч мўйлов-



дор доҳийнинг шахсан ўзи қўйган”. Англашилиб турганидай, “белоён ўлкам”, “дунё ўқусилларининг доҳийси”, “мўйловдор доҳий” перифразалари СССР, Ленин, Сталин номларининг тасвирий ифодаларидир, уларнинг қўштирноқ ичида ёзилиши эса матндаги кинояни янада таъкидлайди.

Бадиий тасвир воситаларидан бири бўлиш градиацияда ҳам кўпинча алданган кутилганлик кузатилади. Масалан, қуйидаги парчада буни кўриш мумкин: “Рамазоннинг ўзи айниқса байрам қилди. Музика бошланиши ҳамоно ўртага тушиб, ҳолдан тойгунча ўйнади. Ўйини ҳам ўзига ўх-

шаган эди: гоҳ тиззаларига шапатиллай-шапатиллай давра бўйлаб кавказчасига ўйғалаб кетади, гоҳ кўлларини икки ёнга силжитганча қифларини қимирлатиб, “Ҳа-а, ҳу-у!” дея қийқиради, ҳайқиради, сакрайди, иргилишайди: гоҳ жилмаяди, гоҳ

ҳазилга қовоғини уюб олади: дуч келган қизни рақсга тортади, ажабки, у ҳам нозланиб ўтирмай пешвоз чиқиб бораверади: қизга қараб қулади, йиғлайди, пўписа қилади, ёлворади: энди мағрур, пурвиқор, кейин яна тушқун, гамусор, яна изҳор, илтижо... Чапак, олқишлар... (Э.Аъзам, “Аноининг жайдари олмаси”). Парчада учта градиация қатори мавжуд бўлиб, упарнинг биринчиси – қулади, йиғлайди, пўписа қилади, ёлворади тарзида келган. Ўқувчи бу қатор охиридаги ёлворади сўзини кўрар экан, унинг кутгани алдангандай бўлади, чунки қатордаги кетма-кетликнинг мазмунан ўсиб бориши бузилган, яъни мазмунан тушиш англашилган. Кейинги қаторларда ҳам шундай нойғунлиқлар бор, шунга кўра алданган кутилганлик сезилади ва у тасвирнинг бадиийлигини янада мунтазамлаштиради.

Алданган кутилганлик бадиий матндаги аънавий эмас, балки бевосита муаллифнинг ўзи яратган оригинал ўхшатишларида ҳам воқеланади. Атоқли адиб Хайриддин Султоннинг “Бунчалар ширинсан, аччиқ ҳаёт” ҳикоясидан олинган қуйидаги парчани кўрайлик: “Бу кун ҳам қуёш худди совқотаётгандек осмонда бир мўдат сийқа танга каби хира ялтираб, сўнча паға-паға қулранг булутлар остига қириб кўздан йўқолди”. Бу жумладаги қуёш худди совқотаётгандек ўхшатиши беҳад оригинал, ҳатто ғайриодатий образли ўхшатиш, чунки қуёш ва совқотмоқ сўзлари бир-бири билан қовуша олмайдиган тушунчаларни ифодалайди, аммо упар матнда ўхшатишнинг зарурий унсурлари сифатида қовушган. Ўқувчи учун қуёш сўздан кейин совқотаётгандек сўз шаклининг келиши, табиийки, кутилмаган, унинг кутиши алданган, шунинг учун бу ўхшатиш бир он бўлса-да, ўқувчи диққатини ғиппа ушлайди. Ўхшатишнинг мантиқий-эстетик моҳияти ва тасвирий кучи мазкур жумланинг давомидаги тасвир билан очиқ англашилади. Шунга ҳам айтиш керакки, мазкур ҳикоянинг номидаги ширин ва аччиқ сўзлари орасидаги антитезага кўра алданган кутилганлик воқеланади. Ана шу туфайли ҳикоя сарлавҳасининг ўзи ҳам лингвопоэтик жиҳатдан беҳад рост ва расодир.


Таъкидлаш жоизки, тилнинг қайси сатҳида воқеланишдан қатъи назар, албатта, жиҳдий лингвопоэтик қимматга эга. Синтактик сатҳ доирасида алданган кутилганлик турли кўринишларда воқеланади, бунда, масалан, зидловчи боғловчилар воситасида шаклланган конструкциялар иштироки билан воқеланган алданган кутилганлик ҳодисаси ҳам семантик-стилистик, ҳам лингвопоэтик жиҳатдан алоҳида диққатга сазовор. Ана шундай конструкциялар иштирок этган жумлалар айрим тадқиқотчилар томонидан “алданган кутилганлик”ли гаплар” деб номланиб, бундай гапларнинг оғзаки нутқда ва бадиий адабиётда жуда кенг тарқалгани алоҳида таъкидланади. Айтиш мумкинки, зидловчи боғловчилар, яъни матндаги шундай дискурсивлар семантикаси изоҳлашларда анчайин абстракт бир тарзда тасаввур қилинса-да, матнда ўзининг кучли таъсирчанлик ва бадииятга дахлдор имкониятларини намоён қилади.

Албатта, ўзаро зидланувчи, қарама-қарши турувчи гаплар ёки синтактик бириклар ўртасидаги мазмуний-мантиқий зиддият қанчалик кескин, кутилмаган ва кучли бўлса, воқеланаётган алданган кутилганлик шунчалик қабарик ўзини кўрсатади

ва унинг бадиий матндаги бадиий-эстетик салмоғи, лингвопоэтик таъкиди шунчалик сезиларли бўлади. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”идаги мана бу жумлага эътибор берайлик: “Қулмасдан чидаб бўлмайдиган мақомларда у (Раззоқ сўфи) ҳам қулади, лекин у қулиш – касал одамнинг қулишидай оғир, бир хил совуқ ҳазиллардай малол келтирувчи, ёлгон хушомадлардай кўнгулга урувчи бўларди”. Кўриниб турганидай, ўқувчи рост қулгини қутади, матнда бундай қулгига тамоман терс киёфадаги сохтадан-сохта қулгига рўбарў бўлади, алалоқибат унинг кутиши “алданади”, бу ёлгон қулгининг ичу таши ўткир ўхшатишларда бетакрор бир тарзда гавдалантирилган.

Баъзан бадиий матнда кутилганлик тўғридан-тўғри, очиқ ифодаланади, ундан кейин айни кутишдан мантиқан келиб чиқиси лозим бўлган воқеа содир бўлмайди, кутиш алданади. Бундай ҳолларда алданган кутилганлик янада кучли қабарик поэтик таъкид билан юкинади. Масалан, таниқли адиб Мурод Мухаммад Дўстнинг “Дашту далаларда” ҳикоясидаги қуйидаги икки жумла таркибидаги лекин ва аммо боғловчилари ана шундай ҳам мантиқий-семантик, ҳам поэтик-тасвирий алданган кутилганликларни таъкидлаб келган: “Ҳадича бир сидра қийминини туегун қилиб, пойгакда қотиб турди, бечора бирор садо чиқишини кутди, лекин Полвон эр бўлиб бир нарсга демади. Ҳадича даҳлизга чиқиб яна бирпас турди, ҳовлига чиқиб ҳовлида турди, илдинди, қайтариб олар-ку, деди, аммо Полвон тескари-тўнғ бўлиб ётаверди...”

Алданган кутилганлик таъкиди зидловчи боғловчи қўша гапнинг иккинчи қисмини зидловчи боғловчи билан бирга алоҳида гап мақомида қўллаганда ҳам янада таъкид олади, бундай қўлланишлар бадиий матнларда кўп учрайди. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”идан олинган қуйидаги парчаларда буни кўриш



мумкин: “Боласи йўқлар болага қизикади. Лекин боланинг “бало” бўлгани ҳам бор... Мингбошининг ер-суви шу қадар кўпки, ҳисобини ўзи ҳам билмайди. Лекин Худо бу севағили қулига давлатни икки қўллаб узатса-да, фарзанд тўғрисида бироз ўқсатиб қўйган”.

Баъзан ёзувчининг ўзига хос маҳорати билан бадиий матнда биргина зидловчи боғловчининг ўзи билан ҳам баён қилинган фикрга тамоман зид бўлган воқеалар силсиласининг жамига билвосита ишора қилиниши мумкин. Моҳир носир Эркин Аъзамнинг “Аноининг жайдари олмаси” ҳикоясидаги мана бу парчага эътибор қилайлик: “Ўтган ҳафта тунга яқин уйимга телефон бўлди... Бир ҳамшаҳаримизнинг тоғаси вафот этибди, эрталаб чиқаришмоқчи, иложи бўлса, шу гапни жиянига етказиш керак экан. “Бемаҳалда сизни безовта қилдик-да, оғажон, овора бўласиз-да”, деб қайта-қайта узр сўрашди, “Илоё бир ўғлингиз ўнта бўлсин, барака топинг”, дея роса алқашди. Ишдан қаттиқ чарчаб келган эдим, ўзимча мулоҳаза юритдим: “Жиянининг уйи шаҳарнинг бир четида! Эрталаб чиқаришаркан, бугун бориб айтдим нимаю сахарда ишхонасига телефон қилиб қўйдим нима – барибир жанозага етиб боролмайди”. Етиб боролмаслиги аниқ эди, лекин...” Шундан кейин қуйидагича хатбоши келади: “Ана шундай, меннинг уйимда телефон бор! Мен ишдан чарчаб келаман! Нега бундай, Рамазон? Урнимда сен бўлганинда нима қилар-



Низомиддин МАХМУДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

дине?” Қаҳрамоннинг ана шу ўй-кечинмалари билан танишгач, “Лекин”га юкланган унинг ўз вақтида қилмаган ишидан кейинча тасаввуротида тикланган афсусли юкнинг салмоқли оғриғи бор бўйича англади, шу биргина боғловчи, ёрдамчи сўз дейиладиган унсурнинг тасвир ва таъсир қамровининг бу қадар кенглигидан ҳайрат ва ҳузур туясиз, мустақил маъно ташимайди деб қараладиган сўзчанинг “Кичкина деманг бизни...” деяётганини эшитгандай бўласиз.

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”ида шу “кичкина” сўз мана бу тарзда каттайган, “семирган”: “Одатда онанинг кўнгли юмшоқ бўлади. Зебининг онаси – Қурвонбиби Салтидан ҳалиги чақирқни эшитгандан кейин дарҳол розилик берди:

– Майли, ўйнаб, ёзилиб келинглар. Қиш ичи юракларинг ғаш бўлгандир... Ёш нарсалар, – деди. Зеби онасининг берадиган жавобини илгаридан биларди. Бу она қизининг саодатидан бошқа нарсани билмайдиган оналардан эди. Дунёда қандай яхшилиқ ва хайриятлик бўлса, ҳаммасини шу биргина қизи учун истар ва орзу қиларди. Лекин...”

Онанинг розилик сўзларига бу биргина “лекин” элчиб келганидан, бечора қизлар севишиш тўлқинларини яна бир қур кўтаришга фурсат тополмадилар.

Ҳамма жим қолди. Хар ким ўз олдида бир нарса топиб шунга кўз тиккан ва у нарсда Зеби – ўз отасини, Қурвонбиби – ўз эрини, Салти – қовоғидан доим қор ёғиб турган совуқ бир сўфини кўрарди.

Зебининг онаси Қурвонбибининг қизи ва Салтининг ўйнаб-ёзилиб келиши учун розилик сўзларининг лекин билан тугаши қизларни бирдан сергакланишга мажбур қилади, бу лекиннинг алоҳида тугалланмаган гап мақомида туришида кўрқинчли мазмун мужассам. Онанинг сўзларига элчиб (эргашиб) келган биргина “лекин” сўзи энди ёрдамчи сўз эмас, балки тамоман мустақил ва “мустаҳкам” сўз сифатида кўп мазмунларни ўзида жамлайди.

Бадиий матнда баъзан алданган кутилганлиқли гаплар икки гапга ажратилади ва зидловчи боғловчи иккинчи гапнинг бошида эмас, балки охирида жойлаштирилади. Бундай ҳолларда зидлаштириш, қаршилантириш мазмуну янада кескин, қуяган ҳолда ифодаланади, айни пайтда алданган кутилганлик эффекти ҳам кучли поэтик таъкид олади. Қуйидаги парчаларда бу ҳолатни кўриш мумкин: “– Ҳа, майли, суриштир! Судрама лекин! Ҳа!.. Мингбоши шу жойда ўзининг Мирёқубга эътимодини кўрсатмоқ учун унинг елкасига уриб-уриб қўйди” (Чўлпон “Кеча ва кундуз”).

Оғзаки нутқда аммо ва лекин зидловчи боғловчилари биргаликда жуфт ҳолда ҳам қўлланади, бунда зидлаш, қаршилантириш муносабатлари яна ҳам кучли ва қабарик тарзда ўз ифодасини топади. Бадиий матнда бундай ҳолатлар алоҳида лингвопоэтик қиммат касб этиши табиий. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”ида бунга гувоҳ бўлиш мумкин: “Ётиги билан айт: майли энди, вақтинчи чоқ қилиб юрса юра турсин, аммо-лекин ҳаддини билсин, ҳаддини...”

Умуман, айтиш жоизки, бадиий матнларда алданган кутилганлик ҳодисаси фавқуллодда муҳим лингвопоэтик қимматга эга, унинг, табиийки, хилма-хил намоён бўлиш воситалари мавжуд. Уларни атрофлича тадқиқ ва таҳлил қилиш жуда қўллаб диққатга сазовор лингвопоэтик ҳулосалар чиқаришга имкон беради.



Бошланиши 1-саҳифада.

Муслихиддин Мухиддинов – ана шу Кутбиддинхон эшоннинг ўғли.

Ургутнинг Чорчинор мавзесидида ургутий пирлар ташаббуси ва маблағига аввал чўбин, яъни синчли, 1914 йили эса гиштин мадраса ҳам қурилди. Ҳатто, 1920 йили Бухорода большевиклар босқини юз бериб, у ердаги барча мадрасалар фалолияти тўхтатилганидан кейин шаҳри шарифнинг айрим нуфузли мударрислари шу мадрасага келиб, таълим беришни давом эттирган.

Эшони Валихон ва унинг невараси Эшони Кутбиддинхон ана шу Чорчинор мавзесига дафн этилган. 2019 йили таниқли шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Абдували Кутбиддин ҳам улуг боболари ёнидан абадий кўним топди. Эшони Мухиддинхон эса шўро замонида ҳажга кетиш баҳонасида юртдан чиқиб, ўша муқаддас заминда вафот этган.

ШАРАФ ТОПГАН ШАРИФЛИК

Мустақиллик йилларида бу улуг оилавий сулола аъзолари меросига муносабат тубдан ўзгарди. Тасаввуф вакиллари, жумладан, ургутлик шайхлар меросини ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

2001 йилнинг 9 мартида Самарқанд вилояти ҳокимининг “Ургут шаҳридаги Чорчинор мавзесини ободонлаштириш ҳақида”ги қарори, 2001 йилнинг 14 мартида эса ана шу қарор ижросини таъминлаш бўйича Ургут тумани ҳокимининг қарори ҳам қабул қилинди. Ургутдаги Эшон Валихон ҳамда у кишининг неваралари Кутбиддин Мухиддинов дафн этилган Чорчинор мавзеси обод қилинди.

2001 йил ёзида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилояти, Ургут тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд бўлими ҳамкорлигида “Хожа Валихон ва Кутбиддинхон эшонларни Ургут ёд этади” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

2002 йил 14 июнида Ургутнинг ана шу Чорчинор мавзесидида Самарқанд вилояти, Ургут тумани ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд бўлими, СамДУ ҳамкорлигида “Хожа Валихон ва Кутбиддинхон эшонларнинг илмий мероси ва маънавиятимизда тутган ўрни” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжумани СамДУ профессори, академик Б.Валихўжаев бошқарди. Самарқанд вилоятининг ўша пайтдаги ҳокими Шавкат Мирзиёев, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев табрик сўзлади. Шу тариқа Чорчинор ҳозир мамлакатимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айланди.

КИТОБ БИТГАН БЕШ АВЛОД

Ургутий эшонлар сулоласида тўрт авлод вакиллари китоб битган. Бугунги кунда халқимиз орасида сулоланинг кетма-кет тўрт вакили китоб ёзган бошқа бундай оила борлигини билмайман.

Ургутий пирлар қаламкашлари сарҳалқаси Эшони Мухиддинхондан бизга тасаввуфий мактублар мажмуаси мерос бўлиб қолган. Бу мактубларнинг 35 таси муридлари Абдулбарокат Абдулғафур ибн Абдуллатиф ал-Ятим томонидан жамланган ва унга яна 4 та мактуб ҳам илова қилинган. Бу “Мактубот”и 2006 йили “Мовароуннахр” нашриётида минг нусхада босилди.

Бу Эшоннинг ўғиллари – Кутбиддин Мухиддинов сулоланинг иккинчи китоб битган вакили. У киши Тожикистонда ишлаган кезлари XX аср бошларигача бўлган тожик тилининг икки жилдли изоҳли лўғати бўлмиш

ФИДОЙИЛИК МЕЗОНИ



“Фарҳанги забони тожикий”ни тузишда фаол иштирок этади. Ана шу мўътабар лўғатни тайёрлаш ишига яқиндан ёрдам берганлар сафиди Кутбиддин Мухиддиновнинг ҳам муборақ номи қайд этилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ўтган аср 60-йилларининг ўрталарида “Тарихий этимология лўғатлар” бўлими очилади. Олим шу бўлимда умрининг охиригача меҳнат қилиб, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лўғати” 4 жилдлигининг юзага келишида ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди. Кутбиддин Мухиддиновнинг ана шу 4 жилдли лўғатни тайёрлашдаги хизмати мана бундай қайд этилган: “Хамса” асарининг лўғатини тузган, форсий, арабий сўз, ибора ва байтларнинг изоҳи ва талқинини берган, “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр” асарларининг лўғатларини тузишда иштирок этган”. Олим 1971 йили, яъни 65 ёшида “Мирзо Муҳаммад Маҳдихоннинг “Санглох” лўғати (таджикот, шарҳ, таржима ва транскрипция)” мавзусида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Бу соҳиб қалам “Кутбий” тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар битган, уларнинг айримларига қуйлар ҳам бас талаган.

Ургутий эшонлар сулоласининг китоб битган учинчи вакили – Муслихиддин Мухиддинов. Тўртинчи вакил – унинг икки қизи. Бадиа Мухиддинова ҳам, Назмия Мухиддинова ҳам – филология фанлари доктори, СамДУда профессор вазифасида меҳнат қилади. Эшони Кутбиддинхоннинг Абдулмўминхон ўғилларидан туғилган неваралари бўлмиш – таниқли шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, “Дустлик” ордени, Халқаро “Олтин қалам” мукофоти соҳиби Абдували Кутбиддин (1960–2019) ҳам тўртинчи авлод вакили эди.

Кутбиддин Эшоннинг яна бир эвараси Умидулло Маҳмудов – шарқшунос-матбаашунос, филология фанлари бўйича фалсафа доктори. Бошқа бир эвараси Мавзуна Мухиддинова ҳам – олимпиа, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори. У XVIII аср – XIX асрнинг биринчи ярми Бухоро амирлиги тарихи бўйича мутахассис ҳисобланади.

ИЛМ ВА АРБОБЛИК

Муслихиддин Мухиддинов 1945 йили, 1941–1945 йиллар уруши ғалабасига борйўғи 4 кун қолганида Самарқанд вилоятининг Ургут туманида таваллуд топди. 1963

йили Тошкентда ўрта мактабни, 1967 йили эса Қарши давлат педагогика институтининг Ўзбек филологияси факультети кундузги бўлимини имтиёзли диплом билан тамомлади.

1967–1968 йиллари Самарқанд давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси кабинет мудири, катта лаборанти бўлиб ишлади. 1968–1971 йиллари Тошкент давлат университети Ўзбек филологияси факультетининг кундузги аспирантурасида таълим олди. 1971–1983 йиллари Самарқанд давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедрасига ишга қайтиб, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири вазифасини бажарувчи бўлиб меҳнат қилди. 1983–1985 йиллари шу Институт ўқув-тарбиявий ишлар бўйича проректори, сиртки ва кечки бўлим проректори бўлган. 1985–1992 йиллари мазкур олий таълим муассасасининг Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, профессор вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган. 1992–1998 йилларда Самарқанд давлат университети Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси профессори, 1998–2011 йиллари шу университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори, ректори вазифасини бажарувчи бўлди. 2011–2015 йилларда шу таълим муассасаси Ўзбек адабиёти тарихи, 2015–2017 йиллари Ўзбек тили ва адабиёти, 2017 йилдан эса Мумтоз адабиёт тарихи кафедраси профессори.

У проректор бўлиб ишлаган даврларда СамДУ амалда республикамизнинг долзарб ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий мавзуларда тез-тез Республика илмий-амалий анжуманлари ўтказиладиган таълим муассасаларидан бирига айланган эди. Соҳанинг ўша йиллари Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари бўлиб ишлаган бир мутахассиси сифатида домлари мамлакатдаги олий таълим муассасалари маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректорларининг энг пешқадами, устози, сардори деб билар эдим. Олим шу касбининг намунасини яратган эди.

Олим – ўзбек адабиёти тарихи бўйича етук мутахассис, Самарқанд адабиётшунослик мактабининг фаол давратчиларидан бири, илм аҳли орасида катта обрўга эга навоийшунос, мамлакатимизда юз бераётган буюк ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан руҳланиб, унинг моҳияти ва аҳамиятини таллаблар онг-тафаккурига теран синдириш, таълим ва тарбияни уйғун ҳолда олиб боришни бош вазифа деб биладиган фаол жамоатчи ва фан фидойиси.

“Ўзбек классик адабиётида “Баҳром ва Дилором” ҳамда “Баҳром ва Гуландом” циклидаги достонлар (“Ўзбек классик адабиётида “Баҳром Гўр” сюжетининг эволюцияси”) мавзусида номзодлик (1972 йил, илмий раҳбар – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби Ғулом Каримов), “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси (“Хамса”ларнинг биринчи достонлари асосида)” мавзусида докторлик (1995 йил, илмий маслаҳатчи – академик Ботирхон Валихўжаев) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Устоз фан ва таълимнинг катта ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Узок йиллар “Самарқанд университети” газетасига муҳаррирлик қилди, СамДУ қошидаги номзодлик диссертациялари ҳимоя этиладиган ихтисослашган кенгашнинг аввал илмий котиби, кейинчалик раиси сифатида фаолият кўрсатди. 2017–2024 йиллардан буён

СамДУ ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси сифатида кўплаб филология фанлари доктори ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар муваффақиятли ҳимоя қилинишида бошқош бўлиб келди.

М.Қ.Мухиддинов – сермаҳсул адабиётшуносларимиздан бири. 11 монография, 17 ўқув-услубий кўлланма, 300 дан зиёд илмий-назарий мақола эълон қилган. У ўз тадқиқотларида комил инсон ғоясининг мумтоз адабиётдаги талқинларида катта эътибор беради. Чунки олижаноблик, саховат, шижоат, яратувчанлик ва бунёдкорликка асосланган комил инсон ғояси истиқлолга эришган мамлакатимизнинг моддий-маънавий тараққиётини белгилловчи омил сифатида ўрганилиши долзарб масалага айланди. Бу борада олимнинг “Талқинларда оламча маъно” (1984), “Барҳаёт анъаналар” (1987), “Ўзбек классик адабиётида гуманизм масаласи” (1988), “Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик” (1990), “Икки олам ёғдуси” (1991), “Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида комил инсон талқини” (1999), “Хамса”ларнинг биринчи достонларида комил инсон тасвири” (2001), “Ғафур Ғулмонинг поэтик маҳорати” (2003), “Комил инсон – адабиёт идеали” (2005), “Нурли қалблар гулшани” (2007), “Навобахш ҳикматлар” (2014), “Халқ китоблари ва мумтоз адабиёт” (2015), “Хамса” достонларида комил инсон тасвири” (инглиз тилида: “Perfect human concepts in the first novels of the “Hamsa”, ГФР, “Ламберт” нашриёти, 2020), “Форс-тожик шоирлари ижодида комил инсон талқини” (2020) каби монографиялари навоийшунослик ва адабиётшунослик илми ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Кўплаб илмий ва илмий-оммабоп нашрларга масъул муҳаррирлик қилган ёки таърихчи бўлган.

Бу жонқуяр олим ва педагог “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари, “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, “Гулистон” журналлари тахрир ҳайъатлари, “Имом ал-Бухорий” халқаро маркази Илмий кенгаши, “Давлат ва жамият қурилиши тизими”ни тақомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий тараққиётнинг илмий асослари ва амалий йўналишлари” фани бўйича малакавий имтиҳон комиссияси аъзоси, СамДУ ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малласини ошириш минтақавий маркази аттестация комиссияси раиси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. У мамлакатимизда нуфузли оммавий ахборот воситалари, жумладан, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, “Ўзбекистон овози”, “Янги Ўзбекистон”, “Жамият” газеталари, “Нақшбандия” журналы, “ZarNEWS” ижтимоий тармоғида долзарб маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий мавзулардаги чиқишлари билан кенг оммане мамлакатимиздаги амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг фаол иштирокчиси, тил ва адабиётга эътиборли бўлишча, ахлоқ-одоб меъёрларига, соғлом турмуш тарзига амал қилишга, турли маънавий-мафкуравий таҳдидларга, билимсизликка қарши курашга даъват этиб келяпти.

Қаҳрамонимиз Давлат фан-техника кўмитасининг “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” (2001–2006), “Қўлэзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳа-

мияти” (2007–2011), “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” (2017–2020) мавзуларидаги грантлар соҳиби ва раҳбари бўлган. Мазкур грантлар доирасида ҳозиргача республика-мизда ва хорижда 5 монография, 1 мақола-лар тўплами ҳамда 32 мақола чоп этилди.

У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” (2016) фахрий унвони, “Эл-юрт хурмати” ордени (2020), “Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил” (2006), “Ўзбекистон мустақиллигига 20 йил” (2011), “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” (2016) эсдалик нишонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси сифатида Ўзбекистон герби акс этган олтин соат (2018 йил, 9 май), Самарқанд вилояти ҳокимининг фахрий ёрлиғи (2015), Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони (2022) билан тақдирланган.

САМАРҚАНДДА

АДАБИЁТШУНОСЛИК МАКТАБИ

Сўнгги юз йил мобайнида ўзбек адабиётшунослиги мисли қўрилмаган ютуқларга эришди. Пойтахт бўлганидан кейин, албатта, Тошкент адабиётшунослик мактаби – шубҳасиз, бу соҳада етакчи мавқега эга. Аммо адабиёт илми мамлакатамизнинг барча минтақаларида изчил ривожланиб бораётибди. Улар орасида Самарқанд адабиётшунослик мактаби – алоҳида ўрин ва мавқега эга. Бунда Садриддин Айний, Воҳид Абдуллаев, Ботир Валихўжаев каби академикларнинг ҳиссаси катта бўлган, албатта. Муслихиддин Мухиддинов ҳам – ана шу мактабнинг кўзга қўрилган намояндаларидан бири. Самарқанд ўзбек навоийшунослиги марказларидан бири бўлиб қолишида, улар қатори, бу олимнинг ҳам хизматлари – бекиёс.

УСТОД РОЗИ БЎЛСА,

ТАНГРИ – РОЗИ

Устозимизнинг саксон ёшга тўлган муборак кунларида бир нарсани айтиб ўтиш ҳеч ортиқчалик қилмас. У киши каминанинг “Лисон ут-тайр”нинг қиёсий поэтикаси: синтез, назирвайиллик ва таржимавийлик) мавзусидаги докторлик диссертацияси (2023)га илмий маслаҳатчилик, заъвиямизнинг “Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадий таҳлили” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси (2018)га илмий раҳбарлик қилдилар. Шу кунларда келинимиз Дилдора Олимова у кишининг илмий раҳбарликларида ёзилган “XI-XII асрлар ўзбек шеъриятидаги муножотнома ва меърожомаларнинг адабий-ирфоний таҳлили” мавзусидаги фалсафа доктори диссертациясини кафедра муҳокамасига топширди.

Навоий “Махбуб ул-қулуб”да: **“Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устод андин розидур – Тенгери розидур, Байт: Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”,** –

деб ёзади.

Яшириб нима қилдим, ҳамма шогирдлари қатори, биз ҳам азиз устозимизнинг розиликларида умидвормиз.

Устозимизга муборак 80 ёшлари қутлуг бўлсин!

Аллоҳ таоло умрларида умр қўшсин! Бахтимизга ҳаммаша соғ-омон бўлсинлар!

Султонмурод ОЛИМ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

АСИРЛАР ЎЛДИРИЛМОҚДА

“CNN” телеканали Украина разведкаси томонидан берилган аудио ва видео материалларни эълон қилди.



Ушбу манбалар Россия қўмондонлиги томонидан таслим бўлган украиналик аскарларни халқаро ҳуқуқни бузган ҳолда қатл этиш ҳақида буйруқ берилаётганининг қўшимча далилидир.

Аудиоматериалдаги суҳбатда Россия Қуролли кучларининг номаълум зобити кўл остидагиликка бир неча бор фақат украиналик аскарлар гуруҳи қўмондонини асирга олиб, қолганларини ўлдиришни буюрган.

Бу овоз Украина разведкаси маълумотларига қўра, 2024 йил ноябрининг номаълум кунидида соат 12:05 дан 12:31 гача Запорожье вилоятидаги Новодаровка қишлоғи яқинида ёзиб олинган.

ҲАЗИЛ САБАБЛИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚҚАН ВАЗИР

Япония қишлоқ хўжалиги вазири ўз тарафдорлари унга кўп миқдорда гуруч совға қилиши ва ҳеч қачон гуруч сотиб олмаслиги ҳақида гапириб, одамларни қулдиarmoқчи эди. Бироқ Таку Это кулги ўрнига қаттиқ норозиликка дуч келди ва бу норозилик уни истеъфого чиқиши учун етарли бўлди. Бу ҳақда “BBC” хабар берди.



Япония сўнгги ўн йилликда илк бор нархлар ошиши инқирозига дуч келмоқда. Бу эса аҳолининг сеvimли ва асосий озиқ-овқат маҳсулоти – гуручга таъсир қилмоқда. Сўнгги бир йил ичида гуруч нархи икки баравардан ҳам кўпроқ ошди, импорт қилинадиган навлар эса жуда камёб.

Это яшанба кунни маҳаллий хайрия тадбирида билдирган фикрлари билан муболагани “ошириб юборгани”ни тан олиб, узр сўради. Мухолифат партиялар босими сабаб у истеъфого чиқди.

ҲАРБИЙ КЕМА БАХТСИЗ ҲОДИСАГА УЧРАДИ

Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ин пайшанба кунни янги ҳарбий кеманинг сувга туширилиши пайтидаги фалокатни қаттиқ қоралаб, бунни “кечириб бўлмайдиган жиноят” деб атади.



Давлат ОАВлари хабар қилишича, беш минг тоннали жанговар кема пастки қисми шикастланиши оқибатида мувозанатни йўқотган.

Унинг сувга туширилишида иштирок этган Ким кемани июнь ойидаги муҳим партия йиғилишигача тиклашни ва уни лойиҳалашда иштирок этганларни “халқнинг кадр-қиммати ва ғурурини жиддий равишда ерга урган”ликда айблаб, жавобгарликка тортишни буюрди.

Ҳодиса оқибатида ҳалок бўлганлар ёки жароҳатланганлар ҳақида маълумот келтирилмаган.

ХИТОЙНИНГ 650 ЙИЛЛИК МИНОРАСИ ҚУЛАДИ

Асрлар давомида сақланиб келган Фенгянг минорасининг бир қисми қулаб тушгани боис сайёҳлар хавфсиз жойга қочишга мажбур бўлди. Анхвой вилоятидаги 650 йиллик минорадан юзлаб том қопламалари кўчиб тушди.

Миноранинг айрим қисмлари қулаб тушиши тасвирланган видео ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Унда сайёҳлик маскани атрофини кўнғир чанг қоплаганини кўриш мумкин.



Иншоот 1375 йилда Мин сулоласи даврида қурилган. Бинонинг бир қисми 1853 йилда Син сулоласи даврида вайрон бўлган ва қарийб 150 йилдан сўнг, 1995 йилда қайта тикланган. 2023 йилда реставрация лойиҳаси бошланиб, 2024 йил март ойда яқунланган.

Қисман қулаб тушган том бир йил олдин

қурилган эди. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари қурилиш сифатининг пастлигидан хайратланиб, ташвишларини билдирган. Воқеа оқибатида жароҳатланганлар йўқ, ваколатли идоралар ҳодиса сабабларини текширмоқда.

30 КУНЛИК МУҲЛАТ



Дональд Трамп рецепт асосида бериладиган дори ишлаб чиқарувчиларга ўз дори воситалари нархини сезиларли даражада пасайтириш учун 30 кунлик муҳлат белгилайдиган янги фармонни имзолади.

Агар бу муддатда тегишли ишлар бажарилмаса, Роберт Кеннеди раҳбарлигидаги Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлигида АҚШдаги дори нархларини бошқа мамлакатлардаги пастроқ нархларга тенглаштирадиган янги қоидаларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Газетхонларимизга яхши маълум, биз жадидлик ҳаракати иштирокчиси, қатагон қурбони бўлган миллат ойдинлари ҳақида маълумот, хотиралар, сурат ва архив ҳужжатлари, ёдномалар, уларнинг ижодий меросидан намуналар тақдим этишларини ва бу билан тарихимизнинг қоронғи саҳифаларига аниқлик киритишда кўмаклашишларини сўраб мурожаат қилган эдик.


Табииyki, савобталаб ва маърифатпарвар юртдошларимиз бу сўровимизни жавобсиз қолдирмади. Кунда-кунора таҳририятимизга шахсан таширф буюриб, ота-боболари, она-момоларининг миллатсевар фаолияти ва аянчли қисмати ҳақида ранг-баранг ҳамда қимматли маълумотларни тақдим этишмоқда. Имкондан фойдаланиб, уларга қадрли муштарийларимиз номидан ҳам миннатдорлик билдирдим.

Яқинда ана шундай фидойи юртдошларимиздан бири Ромида ая Содқиқова отаси – педагог, лингвист ва фан доктори Сафо Зуфаровнинг ўз қўли билан ёзган эсдаликларидан бир парчани тақдим этди. Ибратли бу ҳаётий ҳикояни Сиз азият қувчиларга ҳавола этмоқдамиз.

ТАХРИРИЯТДАН

...Оғзим ошга етиб, илмий изланишларим ўз маҳсулини бера бошлаган палла – 1934–1936 йиллар Ўзбекистон ССР Фан Комитети қошидаги Пушкин номли Тил ва адабиёт илмий-тадқиқот институтида ҳамда ЎзССР Марказий Ижроқўми қошидаги Ўзбекистон Янги алифбо ва терминология комитетида илмий ходим сифатида завқланиб ишлардим.

Устозларим Отажон Ҳошим, Е.Д.Полливанов, Ғози Олим Юнусов, Фитрат, ҳамкасбларим – И.А.Батманов, Қаюм Рамазон, Элбек, Шокиржон Раҳимий, Санжар Сиддиқ, В.В.Реметов, Собиржон Иброҳимов, Т.Иброҳим, Буюк Карим, Олим Шарофиддиновлар билан бирга ишлаган кезларим ўзбек адабиёти ва тилга доир қизиқарли, сермазмун муҳокама ва мунозаралар бўларди. У кунларнинг маҳсули ва жиљоси ўша



даврдаги вақтли ва доимий матбуот саҳифаларида акс этган.

Шундай серзавқ кунларнинг бирида – 1936 йил 29 март куни дабдурустан бошим устида момақалдироқ чақнаб, ҳаётимни остин-устун қилиб юборди. Илмдан бошқа муддаоси бўлмаган, халқнинг маънавиятини бойитишини гина кўзлаган, кечаю кундуз китоб титиш, тадқиқот билан банд бўлган мендек илми толибни баайни бутун бошли совет тузумига хавф туғдираётган ўта жиддий жиноятчи сифатида ЎзССРнинг сиёсий идораси кишанбанд қилиб, сўроқ ва қийноққа тутди. Ўша даврда урф бўлган 68-модда – аксилинқилобий ҳаракат иштирокчиси тағмасини босиб, озодликдан маҳрум қилишди.

Мен роса беш йил лагерда меҳнат қилиб, 1941 йил 30 март куни чиқиб келдим. Аввал Янгийўл шаҳар маорифида методист, сўнг Форш туманидаги Максим Горький номли ўрта мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси ва директор сифатида, 1943 йил декабридан 1945 йил 22 июнгача Самарқанд давлат университети ва Айний номли Педагогика институтида катта ўқитувчи бўлиб ишладим.

Сидқиқидилдан ўз вазифасини бажаришимга қарамай, доимо шубҳа остида эканимни, ҳар қадамим кузатилиб турганини сезар эдим. Маърифат тарқатиш завқини чин зиёли яхши билади. Хайриятки, ана шу толе менга ҳам насиб этганди. Илм қадрини билган олим дўстларим, талабаларим мендан ҳамиша миннатдор эканлиги таскин берарди ўша пайтларда.

Номзодлик ишларини бажариб, ҳимояга яқин қолганда бадном бўлиб, “халқ душманлари” қаторига киритилган бўлсам-да, ҳеч қачон умидсизланмадим. Чунки кўнгил оқ, мақсад – юртимга ҳалол хизмат қилиш, ўзини баъзи дўстлар олдида “оқлаш” эди. Бироқ яна ҳам даҳшатли кунлар олдинда турганини ҳали билмасдим.

Урушдаги ғалабадан сўнг яна “қама-қама” вассаси зўрайиб кетди. Кейин маълум бўлишича, Берия бошлиқ жазо органлари 1936-37 йиллар давомида чала қолган ишларни, исбот қилинмай ёки сиёсий айблар билан қораланиб, бўшаб кетган айрим кўзга кўринган “шубҳали” одамларни бирваракайига қамашга тушган экан.

Мени ҳам 1945 йил 22 июнь куни иккинчи маротаба Самарқандда ҳибсга олишди. Даъво яна ўша: “Сен аксилинқилобий ташкилот аъзосисан. Буни исботлаймиз, тегишли жазо берамиз”.

Бу айбларни инкор қилдим. Бошдан-оёқ яна ҳамма ўтган гаплар такрорланиб сўралди. Тўрт-беш ой Самарқанд област Давлат хавфсизлиги терговиди, сўнг Тошкентда ЎзССР Давлат хавфсизлиги ихтиёрида, 1947 йил сентябрь ойларига қадар ички турмада – терговда бўлдим.

Суд қила олмадилар. Бироқ тегишли расмийташқиқот йўли билан Москвадан Берия бошлиқ “Особое совещание” орқали барибир 10 йил озодликдан маҳрум этиш ҳукмини чиқаришди. Шу билан этап, лагерь ҳаёти бошланиб кетди.

Иркутск шаҳри яқинидаги “Китойлаг” системасидаги 2-лагерда ишлаб турган кезларим – 1952 йил 5 октябрь куни яна мени Тошкентга, ЎзССР Давлат хавфсизлиги маҳкамасига қайта сўроққа олиб келишди.

Ўша терговчилар, ўша даъволар. Аммо даъво анча жиддий, айблов баландпарвоз. “Бизни алдаб, қўлимиздан силлиқ чиқиб кетгансан. Энди ҳаммаси равшан, сен аниқ аксилинқилобчи – халқ душманисан. Бизда етарлича маълумотлар, тегишли ҳужжатлар бор! Яхшиликча ўзинг икорор

бўлиб, ҳаммасини айтиб бер! Энди бизни алдай олмайсан!”

Бу айбловлар бутунлай ёт бўлгани учун мен уларни дадил инкор қилардим. Даъволар қуруқ тухмат бўлгани боис ҳар қандай маломат ва тазйиқларга бардош бердим. Кўп ватанпарвар кишилардан сунъий равишда халқ душмани ясашга ўрганиб қолган ўша кездаги “фидойи” юристлар натижа кўрсатиш учун ҳар қандай иғвогардан фойдаланишга тайёр эдилар. Мен билан ҳам худди шундай бўлди. Даъвои исботлашда ёлланган иғвогар – бундан бир йил бурун сиёсий айблар билан уч маротаба қамалган бир разил киши катта сиёсий жиноятларни очиб бериш ваъдаси билан узоқ ердаги оғир иш лагерида Тошкентга, ЎзССР хавфсизлиги ихтиёрига келиб олган эди. Кейин маълум бўлишича, у тергов ходимларини лақиллатиб, тухмат йўли билан бўлса ҳам янги иш топмоқчи, шу орқали рақибларидан, жумладан, бир пайтлар уни ишга олмаганим учун мендан ҳам ўч олмақчи бўлган. Ўзи ўйлаб чиқарган бўҳтон гаплар билан Ойбек бошлиқ йиғирмадан ортиқ кишиларнинг рўйхатини берган бу одам бир пайтлар “Наримонов” техникумида бизга ўзбек тилидан дарс ҳам берганди. Бу орада Ойбек домла ҳам бир неча ой давомида сўроққа тутилган. Тазйиқлар унинг соғлиғига жиддий таъсир кўрсатиб, мия фалажи балосига рўбарў қилиб қўйганди.

Уч кун ўтиб мени яна сўроқ қилишди. Айбимни бўйнимга қўйишолмади. Аммо барибир узоқ ўлкаларга – Красноярскнинг Немуна участкасига алоҳида буйруқ бўлгунча муддатсиз сургунга жўнатишди. Бу ерда 1954 йил ноябрь ойига қадар ҳар лаҳзани йилдек ўтказдим. Ниҳоят Бериянинг фош этилиши билан биз озод бўлдик. Ўлкамга қайтган, 1957 йилгача Тошкент атрофида ишлаб юришимга тўғри келди. Бу орада ҳам бир қанча таҳликали воқеаларни бошдан ўтказдим. 1957 йилга келибгина қайта-қайта текширувлардан сўнг бизни оқлашди. Самарқанд област суди чиқарган ажрим ҳукми билан

реабилитация қилиндим. “Ишини-гизни аввалги жойда давом эттиришингиз мумкин” деган гапни эшитиб, кўзимдан ёш тирқиради. Бошимдан ўтган аламли кунларни бир-бир кўз олдимдан ўтказар эканман, наҳотки бегуноҳ одам ўзини исботлаши учун шунча умрини зулмат ичра ўтказишига тўғри келса, деган аччиқ ўкинч кўксимни йиртиб ўтди. Мен-ку кўзим тиригида “оқлов хати”ни олдим. Лекин минглаб, ўн минглаб миллатнинг фидойи фарзандлари бу оламни тарқ этиб кетгандан кейин ҳам “халқ душмани” тағмасидан қутулмадилар. Зеро, бу советча “афви умумий”нинг марҳумга, унинг барбод бўлган оиласига қанчалик нафи бор? Шундай бўлса-да, сулола юзини ёруғ қилиш учун, ўзбекона орият ва шаън учун ўша марҳумларнинг шўринг қургур умр йўлдошлари, фарзандлари йиллаб сўров хатларига жавоб кутиб, темир дарвоза идоралар оstonасида сарғайиб, хор бўлгани фожианинг ўзидан да фожиалироқ эди.

Кунларнинг бирида ўша тухматчи домлани учратиб қолдим. Бостириб келган ғазабимни зўрга жиловлаб, унга сўз қотдим:

– Нега ёлгон гаплар тўқиб бизга – Ойбекка, Субутой Долимовга, яна шунча одамга тухмат қилдингиз?

– Мен атай қилдим, – деди у. – Сиёсий курашда дипломатия шундай бўлади. Бундай қилмасам, мени ўлдириб юборишарди.

– Бундан кўра ўлим яхши эмасми? Энди Ойбекнинг юзига қандай қарайсиз?

– Ойбек ҳам Совет тузумини яхшироқ билсин деб жўрттага гирдобга тортгандим. Сен ишни буздинг, қўрқоқлик қилдинг, инкор этдинг. Агар тасдиқлаганимда, Ойбек ҳам қамалган бўларди.

Мен унга бошқа ҳеч нарса демадим. Лекин кўнглимдан ўтгани бўлди: йил ўтмай, бирпасликка йўлиқиб, узоқ йиллар бир жойда тирик мурда бўлиб ит азобида ётди.

Сафо ЗУФАРОВ

Тошкент. 1988 йил август

Бошланиши 1-саҳифада.

Адабий жараёнга мос: “...туркий тилли халқларнинг миллий илҳом париси бир-мунча ҳаракатга” кела бошлаганини кузатади. Шу адабий муҳитнинг истеъдодли шоирларидан хоразмлик Мунис ва қўқонлик Амир Умархон сайёҳ олимнинг назарига тушади.

Ҳақиқатан ҳам Амир Умархон замонидида Қўқон адабий муҳитидан жуда кўп шоир етишиб чиққан эди. Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” таъкирасида уларнинг олтишдан кўпроғи зикр этилади. Амриийнинг шахсан ўзи Қўқон адабий муҳитига ҳомийлик қилди, адабий баҳс, суҳбат ва мушоиралар уюштирди. Айни чоқда Вамбери Амриийнинг шажараси теурийларга бориб тақалишини, Норбутабийнинг учинчи ўғли бўлгани, тахтга ўтиргач, хонлик ҳудудини кенгайтирганини ёзади: “У бутун Ўрта Осиёда юсак ҳурмат қозонди ва ҳатто “Амир ал-муслимин” (Муслмонлар амира) унвонига сазовор бўлди. 1821 йил халқини азобга қолдириб ва йиғлатиб вафот этди. Шу таниқли фотиҳ хон бўш вақтини бадий ижода бағишлади ва шеърларини жамлаб “Девон” тузди”. Бу маълумотларни Ҳерман Вамбери шоир “Девон”нинг муқаддимасидан олади. Мамлакатни адолат билан бошқаргани, халқ ҳаётини обод этгани, бор куч-ғайратини истибдод ва ўзаро низоларни бартараф қилиш учун сарфлагани ва илм-фан ривожига, мадрасалар қурилишига жиддий қарагани каби бир қанча ижтимоий факторларни санайди. Шунингдек, Амриийнинг кўнгли одами эканига, “Умархон ҳузур-ҳаловатни илҳом париларидан излагани”га урғу берди. “У ғазалларини кўнгил хазинасидан олиб саройда тўпланган мушоира аҳлига кўрсатди; шеърят билимдонлари уларни гавҳар деб баҳолашди. Агар ана шу гавҳарлар дарҳол бир шодага терилмаса эди, оқибат шафқатсиз куз шамоллида қолган атиргуллар каби титилиб хазон бўлар эди”. Шеърларга берилаётган бундай таърифда қайсидир маънода муаллифнинг шoirона нуктаи назари, ифодаси ҳам сезилади.

Ҳерман Вамбери бугун бизга маълум қўллаб маълумотларни Европа илм аҳлига

ҲЕРМАН ВАМБЕРИ ва ИККИ ЎЗБЕК ШОИРИ



Ҳерман Вамбери



Мунис



Амирий

Амриийдек улкан бир адабий шахсиятни танитиш ниятида бир сидра такрорлайди. Уларнинг айримлари ўзбек адабиёти тарихида ёзилганидан фарқли. Масалан, ўзбек адабиётшунослари ёзишича, Умархон 1787 йили Қўқонда туғилади, 1810 йилда тахтга ўтиради, 1822 йили вафот этади. Барча илмий-адабий манбаларда булар айнан қайд қилинади (Пўлатхон Қаюмий). “Тазкираи Қаюмий”. 1-жилд). Бироқ Ҳерман Вамбери ўз мақоласида Амриийнинг тахтга ўтирган йилини 1812 ва вафотини 1821 йил тарзида кўрсатган. Саналардаги бундай жузъий фарқлар ҳам йўқ эмас.

Ҳерман Вамбери ўз тадқиқоти ва таржимаси учун қайси манбаларни асос қилиб олгани ҳам муҳим, албатта. Масалан, ғазаллари таржимаси учун у шоирнинг 1883 йили Истанбулда босилган “Девон”идан фойдаланади. Бу китоб эса бухоролик шайх Сулаймон исмли кишининг саъй-ҳаракати билан нашр қилинган экан.

Амриийнинг жорий ёзувимизга ўғирлиб, турли йилларда ўқувчиларга тақдим этилган иккита китобидан хабарим бор. Улар билан Ҳерман Вамбери фойдаланган нусха матнлари таққосланганида ай-

рим товуш, сўз ва сўз бирикмаларида фарқлар борлиги кузатилди. Бир мисол. Биздаги нашрларда шоирнинг бир байти:

“Жилва бер гулшан аро, қаддинекам, у мумтоз зрур, Бир ниҳолни қоматинг бирла баробар кўрмадим”,
– шаклида берилса, айни мисралар Вамбери фойдаланган нусхада:
“Жилваи сарв қадинг гулшан аро мумтоз зрур, Бир ниҳоли қоматинг бирла баробар кўрмадим”

– тарзида берилган. Амриий ғазалларининг қайта нашрларидида зарурат бўлганида Истанбул нусхасидан ҳам фойдаланиш матнлар мукамаллиги учун ёрдам берса керак.

Иккинчи жиҳатдан, Ҳерман Вамбери Шермухаммад Муниснинг таржimaiи ҳолига оид маълумотларни ўша маҳалда топа олмади. Шунинг учун ҳам у: “Хива хонлигининг қаерида ва қачон туғилгани ҳақида мавҳуд девонда ҳеч қандай маълумот йўқ. Аммо уни Хивада асосан Мироб деб аташган. Ўз ижодий фаолияти давомида битилган шеърлари давринг бир

қатор шоирлариники билан бирга санаб ўтилади”, деб умумий тарзда ёзади. Вамбери фикрича, Муниснинг “Айнан Умархон билан бир қаторда кўрилиши “Девони Мунис” асарига боғлиқдир. Сабаби “Девони Амир”да Умархон ва “Девони Мунис”да Мунис асосан Навоий шеърлятига хос тамойилларга содиқ қолган ҳолда туркий тил сўз бойлигидан фойдаланади. Фақат Умархон қўқонча ва Мунис хоразмча диалектдаги сўзларни қўллашади”. Бу ҳам Вамберининг ҳар икки географик ҳудуд бадий асарлари тилига хос индивидуал хусусиятларни яхши билгани ва уларни фарқлай олганини кўрсатади.

Албатта, Вамбери Амриий ва Мунис ижодий меросини нуктадон адабиётшунос сифатида бадий жиҳатдан чуқур талқин этмайди. Олим бу вазифани кўзлаган ҳам эмас. У адабий даврни тафсиллайди ва ҳар икки шоир ҳамда асарлари тўғрисида умумий фикр беради.

Бугунги адабий жамоатчилик, амриийшунос ва мунисшунос олимлар учун муним бир паг шуки, Ҳерман Вамбери ўз мақоласи матни давомида Амриийнинг ўн учта, Муниснинг бир неча ғазали ва йирик ҳажмли “Хоразм”, “Муҳаммад Раҳимхон”, “Хива”га бағишланган қасидаларининг немис тилига таржимасини ўзбек мумтоз ёзувидаги аслияти билан бирга эълон этади.

Ҳерман Вамбери эркин ўтирган бу шеърлар мазмуни олмон тилида қай даражада ўз ифодасини топгани, таржимон реценцияси, англами ва маҳорати алоҳида қиёсий ўрганиладиган масала саналади.

Муҳими, Ҳерман Вамберининг икки мумтоз ўзбек шоири – Мунис ва Амриий тўғрисида мухтасар маълумотлар ёзгани, асарларидан намуналар таржима қилиб, ўз замонида Европа маърифат аҳлига етказгани таҳсинга лойиқ. Келажақда ўзбек адабиёти, ўзбек-можар адабий алоқалари, дейлик, Амриий ва Мунис каби мумтоз адиблар асарларини дунёга танитишга киришадиган мутахассислар бу соҳа дебачасида турган можар сайёҳи Ҳерман Вамберининг илмий-амалий хизматларини инобатга олишлари керак бўлади, албатта.

Баҳодир КАРИМ,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



КАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Шермат қори Тошматов – 1900 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Босмачилик ҳаракатининг фаол қатнашчиси ва “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси бўлган. Қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти йўқ эди. Аҳоли орасида доимий равишда исёнчилик ва мағлубиятчилик руҳида тарғибот олиб борганликда, Совет иттифоқидаги аҳвол тўғрисида бўҳтон гаплар тарқатганликда айбланиб, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги”нинг 1938 йил 16 февралдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

Эшонхон Ғиёсов – 1887 йили Хўжаобод қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ раҳбари бўлган. Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғида 1937 йил 16 июлда ҳибсга олинган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг “учлиги” томонидан 1937 йил 27 ноябрда 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган. 1956 йил 29 сентябрда реабилитация қилинган.

Тўйчи Оминов – 1881 йили Андижон шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги “учлиги” томонидан 1937 йил 27 ноябрда отувга ҳукм қилинган. 1989 йил 21 июнда оқланган.

Ғулумхон Акрамхон – 1887 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг Наманган филиали аъзоси бўлган. 1918 йили босмачилик фаолияти учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган ва ВКП(б)-дан ўчирилган.

Унга аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб боргани ҳамда иғво, бўҳтон, миш-миш тарқатиш билан машғул бўлгани, руслар зулмидан озод бўлиш мақсадида Шарқ халқларини ягона миллий ташкилотга бирлаштиришга қаҳиргани, Совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш олиб боришга даъват этгани каби қўллаб сохта айбловлар қўйилган. Мулклари мусодара этилиб, ўзи отувга ҳукм қилинган.

Вадим Афанасович Чайкин – 1886 йили Курск губернияси Слоновск волостида туғилган. Журналист бўлиб ҳам ишлаган. 1916 йили Андижонга келган. Туркистонда яшаб фаолият кўрсатган рус демократларининг вакилларидан бири. Жадид маърифатпарварлари билан елкама-елка туриб, Россия ва унинг мустамлакачилиги, сўнгра мустабид совет тузумига қарши кураш олиб борган. В.А.Чайкин Андижондаги жадидларнинг “Тараққийпарварлар” жамияти фаол аъзоси бўлган. В.А.Чайкиннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти совет ҳокимияти жазо идоралари томонидан доимий таъйиқ, таъқиб, қувғинга учраган.

1933 йил 21 февралда Тошкент шаҳридаги Новая кўчаси 9-уйда – ўз хонадонидида ҳибсга олинган. 1933 йил 15 мартда қафиллик билан озодликка чиқарилган. Бироқ ОГПУ коллегияси ҳузуридаги махсус кенгаш В.А.Чайкини 1933 йил 4 октябрда ОГПУ орқали Қозғистонга 3 йил муддатга сургун қилган. Сургундан қайтган В.А.Чайкини 1941 йил 8 сентябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси РСФСР Жиноят кодекси 2-боб 10-моддаси билан отувга ҳукм қилган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор
Нигорахон АКБАРОВА,
Андижондаги
Қатагон қурбонлари хотираси
давлат музейи илмий ходими

(Давоми келгуси сонда).



ИННОВАЦИЯ

ЎЗ-ЎЗИНИ ҚУВВАТЛОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯ

Экология нажоткори сифатида қаралаётган электромобиллар нафақат зарари камлиги, балки қимматлиги билан ҳам ажралиб туради. Электромобиллар-чи, дейсизми? Улар ҳам чўнтакбоп эмас, шу билан бирга, кўп масофага чидамайдиган, тезлиги қисман чекланган, аккумулятори ҳам узоқ муддат туриб бера олмайдиган “нозикоийм”.

Шу муаммони ҳис қилган Нодирбек Болтабоев бошчилигидаги ТАТУнинг бир гуруҳ кўнгилчилари янги ечимларни таклиф қилмоқда. Хўш, Нодирбек Болтабоев ўзи ким?

Ёшлигидан электроника соҳасига қизиққан Нодирбек 2017 йилда радиотехника, электроника ва алоқа йўналиши бўйича республикада 1-ўринни қўлга киритган. 2021 йилда Халқаро Электроника номзодлигини олган. Шу йилнинг ўзида электроника йўналиши бўйича ўтказилган танловнинг республика босқичида ғолиб бўлган. 2022 йил “Start-up December” танлови ҳамда 2023 йил TechnoWays технологик ривожланиш марафонидан ҳам тенгсиз деб топилди. Шу йили Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида ўтказилган Technofest муҳандислик технологиялари фестивали ғолиби. Эҳ-ҳе, унинг ютуқларини санасак мақоламиз кейинги саҳифада ҳам тугамайди.

Қаҳрамонимизнинг шу даражага етгунча босиб ўтган йўли қизиқ. Келинг, яхшиси, буни ўзидан эшитайлик!

ИСТАЛГАН ТУРДАГИ ВЕЛОСИПЕДНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МУМКИН!

Электровелосипедни икки хил – “Есо” ва “Спорт” режимида яратганмиз:

“Есо” режим узоқ масофага юриш учун мўлжалланган. “Спорт”да эса асосий ургу тезликка қаратилган.

Ушбу велосипед иккала режимда ҳам бошқарилади. Бунда “круиз контроль”, яъни бир хил тезликда ушлаш функцияси ҳам бор. Керакли тезликка чиққандан сўнг бир хилда ҳаракатланиш мумкин. Хавфсизлик учун уч хил – орқа, қўл ва тўғридан-тўғри двигателни тормозлаш режими яратилган.

Биз ушбу технологияни барча турдаги велосипедларга ўрнатиб беришни бошлаганмиз.

ИХТИРО ҚАНДАЙ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БЕРАДИ?

Биринчидан, тирбандликнинг олди олинади. Қолаверса, электровелосипед атроф-муҳит учун мутлақо зарарсиз. Бунда электр энергиясидан фойдаланиб, ҳозирда қўшимча параметрлар устидан иш олиб бормоқдамиз. Учинчидан, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам бу технологияни қўлласак бўлади.

Ушбу технология ўзини ўзи зарядлаши билан ажралиб туради. Маълумот учун эслатиб ўтаамиз, ҳали бундай технологиядан Марказий Осиёда фойдаланилмаган. Бундан ташқари, энергияни тежаш ва бошқа афзаллик томонлари ҳам талайгина.

АРЗОНЛИГИНИ АЙТИНГ!

Ушбу технологиядан хоҳлаган жойда фойдаланиш мумкин. Янги велосипедларда электровело пойғалар уюштириш режими бор. Буни қўллашдан асосий мақсад вақтни, пулни, энергияни тежашдир. Ҳозирда электромобил лойиҳамизни бошлаганмиз ва бу жуда катта маблағ талаб қилмоқда. Агарда қўзлаган вақтда режамизга эришсак, Ўзбекистондаги хоҳлаган турдаги автомобилларни электронлаш мумкин бўлади. Яъни, янги электромобил олишга хожат қолмайди, аксинча, эски русумдаги техникани электромобилга айлантириш имкониятига эга бўламиз.

Нарх томондан қарайдиган бўл-

сак, бу янги технология электро-мобиллардан арзон бўлади ва ундаги аналогларнинг ҳам устун жиҳатлари анча. Бу технология экология ҳамда қайта тикланмайдиган манбалари мизни асраш учун жуда қўл келади. Шу ўринда савол туғилади. Электрга ҳам кундан кунга эҳтиёж ошаётган пайтда бу қийин жараён эмасми? Бу хавотир қисман ўринли. Биз қуёш панелларининг монокристалли туридан фойдаланишга қарор қилганмиз. Шу орқали бошқа панелларга нисбатан кўпроқ энергияга эга бўламиз! Электровелосипедимиз тўлиқ зарядланган ҳолда “Есо” режимда максимум 40 км/с тезлик билан 80–85 км масофани босиб ўтади. “Спорт” режимида эса максимум 70 км/с тезлик билан 65–70 км масофа юради. Электровелосипедимизда ли-ион аккумуляторида фойдаланилган бўлиб, кафолат муддати 3-4 йилни ташкил этади.

ҲОЯ ҚАНДАЙ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНДИ?

Электроника соҳасига 4-синф пайтимдан қизиқиб келаман. Турли хил янги кашфиётлар орқали иш-тиёким янада ортган. 2020 йилда бу ғояни ўйлаганман. Лекин бошлаш учун менда маблағ бўлмаган. Кейин бу ғояни устозимга айтганман. Улар моддий томондан кўмак беришга рози бўлганлар. Бироқ бу уриниш муваффақиятсиз яқун топган. 2021 йилда лойиҳани қайта бошлашга қарор қилдим ва бу жараёнда ҳам анча қийинчиликлар, йўқотишлар, биз йиққан схемаларнинг қўйиши сабаб оз бўлса-да, молиявий танглик янги лойиҳамиз орқали қуёш панелларидан оқиб келаётган энергиянинг сарф ҳисоби юритилади. Ушбу тартибда бу қурилма кундалик об-ҳавога қараб қанча энергия сарф бўлиши, қанча энергия оқиб кириши тўғрисидаги маълумотларни фойдаланувчига улашиб боради. Ушбу



лойиҳага яна қайтганман. Жараён-да устозим билан кўплаб қийинчи-ликларга дуч келдик. Лойиҳа тайёр ҳолатга келгандан сўнг Technofest муҳандислик технологиялари фести-валига олиб чиқдик ва танловда ғолиб бўлдик. Ютуққа берилган маб-лағга лойиҳани тўлиқ тугатиб, тайёр ҳолатга олиб келдик.

ЯНА ҚАНДАЙ ЛОЙИҲАЛАР БОР?

Ҳозирги кунда электр энергияси-ни иқтисод қилиш глобал муаммо-лардан бири бўлаётгани сабабли олинган қуёш энергиясини тежаш устидан бир қатор изланишлар олиб бормоқдамиз. Тақдим этилаётган янги лойиҳамиз орқали қуёш па-нелларидан оқиб келаётган энер-гиянинг сарф ҳисоби юритилади. Ушбу тартибда бу қурилма кундалик об-ҳавога қараб қанча энергия сарф бўлиши, қанча энергия оқиб кириши тўғрисидаги маълумотларни фой-даланувчига улашиб боради. Ушбу

лойиҳа жуда ҳам кўп изланишлар талаб қилади. Ҳозирда лойиҳа си-нов тариқасида лабораторияда иш-латиб келинмоқда.

КЕЛАЖАҚДАГИ РЕЖАЛАР

Ҳозирда Тошкент ахборот техно-логиялари университетининг 3-бос-қичида таҳсил оляпман. Келгусида электроника соҳаси бўйича илмий тадқиқот олиб бориб, ўзим танлаган соҳа бўйича мутахассис кадрларни тайёрлашга ҳисса қўшишни ният қилганман. Чунки ҳар қандай ихти-ро замирида елкадош ва ҳамфикр мутахассислар силсиласи бўлади. Яқин йилларда эса бир қанча лойи-ҳаларимни амалиётга жорий этиш, улар устидан тажрибалар ўтказиш, чет эл билан ҳамкорлик, exchange дастурларда қатнашиб, янги би-лимларни Ўзбекистон шароитида қўллаш асосий мақсадларимдан биридир.

Соҳиба МУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Камбағалликдан чиқиш учун товуқ, қуён, асалари боқинлар дейишганда кўп қатори мен ҳам мийиғимда кулиб қўйгандим. Аммо адашган эканман. Кечиринглар...



ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ АСОСИЙСИ – МЕҲНАТ

Ҳозир ҳовлида 10 та товуқ боқ-япман. Ҳар куни хонаки тухум бор. Оиламиз билан маза қилиб еяпмиз. Ортган тухумдан инкубаторда жўжа очтирдим. Биринчи партияда 30 дан ортиқ жўжа чиқди. Айни пайтда ик-кинчи бор очиб арафасида. Товуқ-ни бекорга етти хазинанинг бири дейишмаган экан...

Бундан ташқари, 5 та хикол ва калифорния зотли қуён боқяпман. Гўшт йўналишида. Бугун биттаси 10 та туғди. Иккинчиси туғиш ара-фасида. Бир йилда камида 3-4 марта кўпаяркан. Битта она қуён-дан 40 га яқин бола дегани бу. Бола-си уч ойда гўштра тайёр бўлади. Ти-ригининг ҳар бир донасини камида 100 минг сўмдан сотса ҳам бўлади.

Асаларига ҳам қизиқиб, тўртта оила боқяпман. Она ари яхши ту-хум қўйяпти. Қиёмини бериб бормоқдаман. Яқинда асал йиғиш бош-ланади. Худо хоҳласа, 4 та оиладан камида 20 кило асал олишни мўл-жаллаяпман. Табиий асал!

Яна 10 жуфт тўтиқуш боқяпман. Насиб қилса, бола очиб арафаси-да. Ҳар бир жуфт камида 4 дондан бола очади. Ҳар бир боласининг нархи 5 доллардан бозоради. Йил-да камида 4 марта болаалайди. Бу 160 дан ортиқ тўти жўжаси дегани.

Мен юқорида санаганларим бит-та оилага асал, тухум, гўшт ва даро-мад олиш учун яхши йўналиш экан! Товуқ катаги, асалари қўтилари, қуён ўзи ва уяси, тўтиқуш қафаслари билан ҳамма ҳаммаси жамланиб (ов-қат, дони ичида) тахминан 10 милён сўм маблағ сарфланди. Бу пул бир йилга бормаё ўзини оқлайди!

Азизлар, шароит кўтарса ва ўзин-гиз озгина ишқибоз бўлсангиз, ал-батта, боқинг! Жойим катта бўлгани-да 4 та эчки ва 4 та қўй ҳам ташлаб қўйган бўлардим! Камбағалликдан чиқишнинг ягона йўли бу – инсон ўзи ишлашидадир!

Дима ҚАЮМ
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

“САЛФЕТНИЦА” ЭМАС – “СОЧИҚДОН”, “ГРАФИН” ЭМАС – “ТУНЧА”

Азиз муштарий, нутқимиздаги ҳар жумланинг бирида қўллаётганимиз ажнабий сўзлар сизни ҳам безовта қилаётган бўлса керак. Эҳтимол, уларнинг тилимиздаги муқобили бор-йўқлиги ҳақида ўйга ҳам толгандирсиз. Биз ҳам шундай қиламиз: бегона каломларга пешонамиз урилавериб, ё ўзбекча муқобилини топиш, ё ўша маънони берадиган янги сўз ясаб кераклигини кўп ўйлаймиз.

Ҳолбуки, бу истакни кичик бўлса-да амалий ҳаракатларгина рўёбга чиқара олади. Шу боис она тилимиз хазинасини биттага бўлса ҳам бойитиш мақсадида айрим муқобил ва ясалган сўзларни таклиф сифатида ўртага ташламоқчимиз. Умид қиламизки, бу сўзлар ўртамизда қолиб кетмайди, истеъмолга чиқади.

Умумий овқатланиш масканла-рида асосан қозғос сочиқлардан фойдаланамиз. Ҳар бир стол у-стида камида биттадан сочиқчалар солинган матоҳ туради. Одамлар уни русчадан шундоққина олинган “салфетница” сўзи билан аташа-ди. Ваҳоланки, мазкур буюмнинг ўзбекча муқобилини яшаш қийин эмас. Шунчаки, “соchiқ” ўзагига “-дон” сўз ясовчи қўшимчасини қў-шамиз, тамом. Ана сизга янги сўз – сочиқдон! Ахир тилимизда “-дон” қўшимчаси билан ясалган сўзлар талайгина: туздон, гулдон, кулдон ва ҳоказо.

Уй-рўзгор буюмлари сираси-га кирувчи, дастурхонимизни бе-за турадиган яна бир буюм бор. Суюқлик (масалан, шарбат, сув ва ҳоказо) солинадиган бу идишни ҳам негадир “графин” деб атай-миз. Аммо уни юқоридагидек сўз яшаш орқали ўзбекчалаштирмоқчи эмасмиз. Чунки “графин” фақат бир турдаги ичимлик учун ишла-



тилмайди. Демак, “шарбатдон” ёки “сувдон” шаклида сўз яшаш ўзини тўла оқламайди. Қолаверса, “-дон” қўшимчаси ичимлик маъносини

англатувчи ўзакка қўшилиб сўз ясаганини деярли кузатмаганмиз (Нофол қўлланиладиган “сувдон” лексемаси истисно бўлиши мум-кин).

Ҳозирги ўзбек тили луғатини бойитиш учун баъзан архаик сўз-ларга қайта жон киритишга тўғри келади. Ўтган асрларда “тунча” деб аталадиган ва графин билан айна вазифани бажарадиган идиш бўлган. Ўзбекистон амалий санъат музейига йўлингиз тушса, тунча-нинг шакл-шамойилини ўз кўзин-гиз билан кўришингиз ва бошқа бир талай уй-рўзгор буюмлари-нинг ўзбекча номларини билиб олишингиз мумкин.

Айтишларича, Хоразм вилоя-тидаги баъзи шеваларда “тунча” ҳамон сўзлашувда қўлланилади. Бироқ мазкур сўз ҳозирда асрлар аввалги маъносидан бироз ўзгар-ганини ҳам таъкидлаш лозим.

Шохрух УСМОНОВ

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Муҳайё Рустамова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 729

Шундан:

Кирилл ёзувида – 8 020

Лотин ёзувида – 11 739

Медиа кузатувчилар – 43 815

Буюртма: Г – 539

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 22:45

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz